

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ 12-13-сон
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ (304-305)
ТЎПЛАМИ 2008 й.
март

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпلامнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

+

-

МУНДАРИЖА

Учинчи бўлим

72. «Худудий соғлиқни сақлаш муассасаларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 18 мартдаги 48-сон қарори
73. «Республика аҳолисини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган қанд-шакар билан таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 27 мартдаги 52-сон қарори

Бешинчи бўлим

74. «Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2008 йил 3 мартдаги 19, 2008-15-сонли қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 18 мартда 1446-5-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)

75. «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобва-
рақлар режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон
Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 1 мартдаги 6/3-сон-
ли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
18 мартда 773-25-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
76. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси авиация ходимларини таснифлаш
ва гувоҳномалар бериш авиация қондаларига ўзгартиш киритиш тўғрисида»
Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат
инспекцияси бошлиғининг 2008 йил 13 мартдаги 51-сонли буйруғи. (*Ўзбекис-
тон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 18 мартда
1349-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
77. «Уй-жойларни олиш-сотиш, алмаштириш ва ҳадя қилиш шартномаларини но-
тариал тасдиқлаганда давлат божини ундириш тартиби тўғрисида тушунтиришни
ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат
солиқ қўмитаси, Адлия вазирлигининг 2008 йил 18 мартдаги 2008-14, 20-26-5-сонли
қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
20 мартда 538-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
78. «Умумий ўрта таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги
низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири-
нинг 2008 йил 4 мартдаги 56-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Ад-
лия вазирлиги томонидан 2008 йил 20 мартда 1778-сон билан давлат
рўйхатидан ўтказилди*)
79. «Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицей
ва касб-хунар коллежларида ўқишга қамраб олиш тартиби тўғрисида вақтинча-
лик низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ва-
зирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таъ-
лими марказининг 2008 йил 4 мартдаги 6, 56/1, 09/ҚҚ-сонли қарори. (*Ўз-
бекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 26 мартда
1779-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
80. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 5 мартдаги ПФ-3972-сон-
ли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини
ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби
тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Меҳ-
нат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг
2008 йил 20 мартдаги 7, 27-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Ад-
лия вазирлиги томонидан 2008 йил 26 мартда 1780-сон билан давлат
рўйхатидан ўтказилди*)
81. «Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини
ташқил этиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республи-
каси Молия вазирлиги ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2008 йил
21 январдаги 1, 1/2-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия ва-
зирлиги томонидан 2008 йил 26 мартда 1781-сон билан давлат рўйха-
тидан ўтказилди*)

82. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда божхона тўловларидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар рўйхати-га қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 24 мартдаги 42, 25, НН-01/10-1620, 01-02/8-26-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 26 мартда 1669-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2008 йил 15 мартдан 28 мартгача бўлган маълумот

+

-

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING QARORI

72 Худудий соғлиқни сақлаш муассасаларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ–3923-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда худудий соғлиқни сақлаш муассасаларининг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш, аҳолига, айниқса қишлоқ жойларда яшовчи аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлиги ва сифатини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қўйидагилар:

Вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази тўғрисидаги низом ва унинг тузилмаси 1 ва 1а-иловаларга мувофиқ;

Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази тўғрисидаги низом ва унинг тузилмаси 2 ва 2а-иловаларга мувофиқ;

Вилоят тиббий диагностика маркази тўғрисидаги низом ва унинг тузилмаси 3 ва 3а-иловаларга мувофиқ;

Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси тўғрисидаги низом ва унинг тузилмаси 4 ва 4а-иловаларга мувофиқ;

Қишлоқ врачлик пункти тўғрисидаги низом ва унинг тузилмаси 5 ва 5а-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қўйидаги тартиб белгилансин, унга кўра:

Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг фаолияти аралаш тарзда — Давлат бюджети маблағлари, ўз даромадлари ва жалб қилинадиган манбалар (грантлар, хомийлик маблағлари ва бошқалар) ҳисобига молиялаштирилади;

Вилоят тиббий диагностика марказининг фаолияти пулли консультация-диагностика хизматлари кўрсатишдан олинadиган ўз даромадлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади;

Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси ва қишлоқ врачлик пунктларининг фаолияти Давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштирилади.

Бунда бюджет маблағлари марказларга белгиланган тартибда ажратилади, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларининг аҳолининг имтиёзга эга бўлган тоифаларига тиббий ёрдам кўрсатиш, марказларни асбоб-ускуналар ва техника билан жиҳозлаш, шунингдек бюджет маблағлари ҳисобига мукамал таъмирлаш харажатларига ҳақ тўлаш эса Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ҳазначилиги худудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларини,

вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларини, вилоят тиббий диагностика марказларини, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларини ва қишлоқ врачлик пунктларини ташкил этиш бўйича ташкилий, молиявий ва бошқа тадбирлар бажарилишини таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

марказлар фаолияти мониторингини тизимли асосда олиб борсин ва мавжуд муаммоларни тезкорлик билан ҳал этсин;

тармоқни ривожлантириш республика дастурларида вилоят кўп тармоқли тиббиёт ва диагностика марказларининг фаолиятини ташкил этиш ва уларни моддий-техник жиҳатдан жиҳозлаш, марказларни ривожлантиришга инвестициялар, грантлар ва молиялаштиришнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбаларини жалб этиш чора-тадбирларини устувор асосда назарда тутсин;

марказлар фаолияти аниқ мувофиқлаштирилишини ва улар томонидан диагностика ва беморларни даволашнинг ягона стандартларига риоя қилиниши, даволаш-профилактика муассасалари амалиётига замонавий тиббиёт технологиялари, бошқаришнинг иқтисодий методлари, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг илғор ташкилий шакллари ва усуллари жорий этилиши устидан назоратни таъминласин.

Амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳар чоракда, чоракдан кейинги ойнинг 10-қунигача Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 18 март,
48-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 18 мартдаги 48-сон қарорига
1-ИЛОВА

Вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази фаолиятини ташкил этиш ва молиялаштириш тартибини белгилайди.

Вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сон Фармонида мувофиқ фаолият кўрсатиб турган вилоят касалхоналари ва айрим ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари базасида ташкил этилади ҳамда аҳолига юқори малакали ихтисослаштирилган стационар, амбулатория консультатив-диагностика тиббиёт хизмати кўрсатувчи даволаш-профилактика муассасаси ҳисобланади.

2. Марказ давлат муассасаси шаклида ташкил этилади, мустақил юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, банкларда ҳисоб рақамларига, ўз номи ёзилган муҳрга, шунингдек ўзининг фаолияти учун зарур бўлган бошқа атрибутларга эга бўлади.

Марказ тиббиёт ва фармацевтика кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун клиник, ўқув базаси ҳисобланади.

3. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига ва бошқа қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

4. Марказ фаолиятнинг барча соҳаларидаги ўз муносабатларини Марказнинг мақсади ва фаолиятига мувофиқ юридик ва жисмоний шахслар билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилган шартномалар асосида амалга оширади.

5. Ушбу Низом Қорақалпоғистон Республикаси кўп тармоқли тиббиёт марказига ҳам татбиқ этилади.

II. Марказнинг мақсади ва вазифалари

6. Қуйидагилар марказни ташкил этиш ва унинг фаолияти мақсади ҳисобланади:

аҳолининг касалликларнинг асосий йўналишлари (режали хирургия, терапия, кардиология, оториноларингология ва бошқалар) бўйича ихтисослаштирилган, юқори технологияли диагностика, даволаш ва профилактика тиббий ёрдами кўрсатишга бўлган эҳтиёжини қондириш;

вилоят тиббиёт муассасаларида тиббий хизматлар кўрсатишнинг замонавий методлари ва технологиялари жорий этилишини методик таъминлаш.

7. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

беморларни текшириш, уларга юқори малакали тиббий-консультатив ёрдам кўрсатиш;

беморларга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган клиник стандартларга мувофиқ юқори малакали ихтисослаштирилган стационар ёрдам кўрсатиш;

туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари мутахассисларига консультатив ва ташкилий-методик ёрдам кўрсатиш;

маъмурий ҳудуд даволаш-профилактика муассасалари амалиётига замонавий тиббий технологияларни ва бошқаришнинг иқтисодий методларини жорий этиш;

тиббиёт ходимларини ва фармацевтика кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда қатнашиш;

тиббиёт муассасаларида даволаш-профилактика жараёни сифатини экспертизадан ўтказиш;

аҳолининг умумий касалланиши ва ўлимини меҳнатга қобилиятини йўқотган ҳолда касалланишини, ногиронлигини ўрганиш;

тиббий ёрдамни ривожлантириш мақсадли дастурларини шартнома асосида ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

III. Марказнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

8. Белгиланган мақсадларга эришиш ва юкланган вазифаларни бажариш учун Марказ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзининг балансига берилган давлат мулкидан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш;

асосий воситаларни ижарага олиш ёки ижарага бериш, кредитларни, қарз маблағларни, грантларни ва бошқа молиявий ёрдамни жалб қилиш;

бюджет маблағлари ва пулли тиббий хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар доирасида Марказ ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш миқдорларини мустақил равишда белгилаш;

илмий тадқиқотлар ўтказишга Давлат бюджетидан грантлар олиш учун танловларда қатнашиш;

хўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида яратилган интеллектуал мулк объектларига муаллифлик ҳуқуқларини олиш ва улардан фойдаланиш;

қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ хорижий юридик шахслар билан илмий ва илмий-техникавий ҳамкорликни амалга ошириш;

қонун ҳужжатларига, Марказ фаолияти мақсадларига ва фаолияти предметига зид бўлмаган фаолиятнинг бошқа турларини амалга ошириш.

9. Марказ кўрсатиладиган пулли тиббий хизматларнинг, амалга ошириладиган ишларнинг барча турларига тарифлар ва нархларни мустақил равишда, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва тегишли молия органлари билан келишган ҳолда белгилашга ҳақли.

10. Марказ:

аҳолига юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиши:

текин асосда — давлат томонидан қўллаб-қувватлашга муҳтож, имтиёзга эга бўлган шахсларга (ушбу Низомга илова), шунингдек амбулатория ёрдами кўрсатиши;

пулли асосда (қонунда белгиланган ҳолларда — текин асосда) — Ўзбекистон Республикаси фуқароларига (мазкур банднинг учинчи хат бошида кўрсатилган шахслардан ташқари), шунингдек хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиши;

диагностика ва даволашнинг тасдиқланган стандартларига мувофиқ тиббий ёрдам кўрсатилишини таъминлаши;

мунтазам равишда Марказ ходимларини ҳамда вилоят даволаш-профилактика муассасалари тиббиёт ходимларини қайта тайёрлаши ва уларнинг малакасини ошириши;

илғор тиббиёт муассасаларининг иш тажрибасини ўрганиши, умумлаштириши ва оммалаштириши;

Марказ ходимларига қонун ҳужжатларида назарда тутилган меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш, техника хавфсизлиги, ижтимоий таъминот ва муайян ижтимоий муҳофаза шартларини кафолатлаши;

Марказнинг моддий-техника базасини замонавий тиббиёт техникаси ва технологиялари билан мустаҳкамлаши ва ривожлантириши;

мол-мулкдан белгиланган мақсадларда фойдаланиши, уларнинг сақланишини таъминлаши;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бухгалтерия ва статистика ҳисобини, ҳисоботни юритиши шарт.

IV. Марказ тузилмаси ва унинг фаолиятини бошқариш

11. Марказнинг тузилмаси илова қилинади*.
12. Марказга раҳбарликни тегишли маъмурий ҳудуд ҳокимининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бош врач амалга оширади.
13. Бош врач ўринбосарларга эга бўлади. Марказ бош врачининг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири билан келишган ҳолда Марказ бош врач томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.
14. Марказ бош врач томонидан белгиланган тартибда Марказ фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, ишларни ташкиллаштиради, Марказ номидан ишончномасиз иш кўради, барча ташкилотларда унинг манфаатларини ифодалайди, Марказ мол-мулкни тасарруф этади, шартномалар, шу жумладан меҳнат шартномалари тузади, ишончномалар беради, банкларда ҳисоб рақамлари очади, молиявий маблағларни тасарруф этиш ҳуқуқидан фойдаланади, штатларни тасдиқлайди, буйруқлар чиқаради ва Марказ фаолиятининг натижалари учун шахсан жавоб беради.
15. Марказ бош врач томонидан бўлмаган ҳолларда унинг вазифаларини соғлиқни сақлашни бошқариш ҳудудий органи билан келишган ҳолда унинг ўринбосарларидан бири бажаради.

V. Марказнинг молиявий-хўжалик фаолияти

16. Марказнинг молиявий-хўжалик фаолияти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.
17. Марказ фаолиятининг мақсадларига мувофиқ ўз мол-мулкига эгалик қилади, улардан фойдаланади ва уларни тасарруф этади, бунда бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлардан самарали фойдаланилишини таъминлайди.
18. Марказнинг мол-мулки асосий воситалар, шунингдек бошқа моддий бойликлар ва молиявий ресурслардан иборат бўлади.
19. Марказ вақтинча фойдаланилмаётган биноларни шартнома асосида, тушган маблағлардан Марказни ривожлантириш учун фойдаланган ҳолда ижарага бериш, шунингдек асбоб-ускуналарни ва мол-мулкни қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда балансдан чиқариш ҳуқуқига эга.
20. Давлат бюджети маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Марказни молиялаштириш манбалари ҳисобланади.
21. Марказни молиялаштириш аралаш тарзда — Давлат бюджети маблағлари (тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда) Марказнинг ўз даромадлари ва жалб қилинадиган манбалар (грантлар, ҳомийлик маблағлари ва бошқалар) ҳисобига амалга оширилади.
Бунда бюджет маблағлари Марказга белгиланган тартибда ажратилади, аҳолининг имтиёзга эга бўлган тоифаларига тиббий ёрдам кўрсатиш, марказларни асбоб-ускуналар ва техника билан жиҳозлаш, шунингдек бюджет маблағлари ҳисобига мукамал таъмирлаш харажатларига ҳақ тўлаш эса Фазначиликнинг ҳудудий бўлинмалари орқали амалга оширилади.

* Зарурият бўлганда Марказ раҳбари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирига тасдиқлаш учун Марказнинг тузилмасига ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича белгиланган тартибда таклифлар киритиш ҳуқуқига эга.

VI. Ҳисоб ва ҳисобот

22. Марказ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритади, уларни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига Давлат статистика қўмитасига тақдим этади, ҳужжатларнинг сақланиши ва келишилган рўйхат бўйича уларнинг давлат томонидан сақлашга берилиши учун жавоб беради.

23. Марказнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш ва текшириш соғлиқни сақлаш, солиқ ва молия органлари, улар ваколатлари доирасида бошқа давлат органлари, шунингдек аудиторлик ташкилотлари томонидан, улар билан тузилган шартномалар асосида қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

VII. Яқунловчи қоидалар

24. Марказ давлат тасарруфидан чиқарилмайди ва хусусийлаштирилмайди.


25. Марказни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази
тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида Давлат бюджети маблағлари ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатиладиган имтиёзга эга бўлган шахслар рўйхати

1. Фирт етимлар.
2. I ва II гуруҳ ногиронлари.
3. Болалиқдан ногиронлар.
4. 1941 — 1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек уларга тенглаштирилган шахслар.
5. 1941 — 1945 йиллардаги уруш даврида меҳнат фронти қатнашчилари.
6. Ёшига кўра ишламаётган пенсионерлар.
7. Чернобил АЭСдаги аварияни бартараф этишда ногирон бўлган шахслар.
8. Байналмилал жангчилар.
9. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан нафақа олувчи кам таъминланган оилалар аъзолари.
10. Ижтимоий аҳамиятга эга касалликларга чалинган шахслар.
11. Чақирув комиссиялари йўлланмалари бўйича 15 — 17 ёшдаги ўсмирлар ва чақирик ёшидаги (18 — 27 ёшар) шахслар.

Вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази тузилмаси



Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 18 мартдаги 48-сон қарорига
2-ИЛОВА

Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази фаолиятини ташкил этиш ва молиялаштириш тартибини белгилайди.

Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастури-ни амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2007 йил 19 сентябрда-ги ПФ–3923-сон Фармонига мувофиқ фаолият кўрсатиб турган вилоят болалар касалхоналари базасида ташкил этилади ҳамда болаларга юқори малакали ихтисослаштирилган стационар, амбулатория консултатив-диагностика хизмати кўрсатувчи даволаш-профилактика муассасаси ҳисобланади.

2. Марказ давлат муассасаси шаклида ташкил этилади, мустақил юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, банкларда ҳисоб рақамларига, ўз номи ёзилган муҳрга, шунингдек ўзининг фаолияти учун зарур бўлган бошқа атрибутларга эга бўлади.

Марказ тиббиёт ва фармацевтика кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун клиник, ўқув базаси ҳисобланади.

3. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари ва бошқа қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

4. Марказ фаолиятнинг барча соҳаларидаги ўз муносабатларини Марказнинг мақсади ва фаолиятига мувофиқ юридик ва жисмоний шахслар билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилган шартномалар асосида амалга оширади.

5. Ушбу Низом Қорақалпоғистон Республикаси болалар кўп тармоқли тиббиёт марказига ҳам татбиқ этилади.

II. Марказнинг мақсади ва вазифалари

6. Қуйидагилар марказни ташкил этиш ва унинг фаолияти мақсади ҳисобланади:

болаларнинг касалликларнинг асосий йўналишлари (режали хирургия, педиатрия, кардиоревматология, отоларингология ва бошқалар) бўйича ихтисослаштирилган, юқори технологияли диагностика, даволаш ва профилактика тиббий ёрдами кўрсатишга бўлган эҳтиёжини қондириш;

вилоят болалар тиббиёт муассасаларида тиббий хизматлар кўрсатишнинг замонавий методлари ва технологиялари жорий этилишини методик таъминлаш.

7. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

болаларни текшириш, уларга юқори малакали тиббий-консультатив ёрдам кўрсатиш;

болаларга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган стандартларга мувофиқ юқори малакали ихтисослаштирилган стационар ёрдам кўрсатиш;

туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари мутахассисларига консультатив ва ташкилий-методик ёрдам кўрсатиш;

маъмурий ҳудуд даволаш-профилактика муассасалари амалиётига замонавий тиббий технологияларни ва бошқаришнинг иқтисодий методларини жорий этиш;

тиббиёт ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда қатнашиш;

тиббиёт муассасаларида даволаш-профилактика жараёни сифатини экспертизадан ўтказиш;

аҳолининг умумий касалланиши ва ўлимини, меҳнатга қобилиятини йўқотган ҳолда касалланишини, ногиронлигини ўрганиш;

тиббий ёрдамни ривожлантириш мақсадли дастурларини шартнома асосида ишлаб чиқиш ва бажариш.

III. Марказнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

8. Белгиланган мақсадларга эришиш ва юкланган вазифаларни бажариш учун Марказ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзининг балансига берилган давлат мулкидан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш;

асосий воситаларни ижарага олиш ёки ижарага бериш, кредитларни, қарз маблағларни, грантларни ва бошқа молиявий ёрдамни жалб қилиш;

бюджет маблағлари ва пулли тиббий хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар доирасида Марказ ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш миқдорларини қонун ҳужжатларига мувофиқ мустақил равишда белгилаш;

болалар касалликлари бўйича илмий тадқиқотлар ўтказишга Давлат бюджетидан грантлар олиш учун танловларда қатнашиш;

хўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида яратилган интеллектуал мулк объектларига муаллифлик ҳуқуқларини олиш ва улардан фойдаланиш;

қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ хорижий юридик шахслар билан илмий ва илмий-техникавий ҳамкорликни амалга ошириш;

қонун ҳужжатларига, Марказ мақсадларига ва фаолияти предметида зид бўлмаган фаолиятнинг бошқа турларини амалга ошириш.

9. Марказ кўрсатиладиган пулли тиббий хизматларнинг, амалга ошириладиган ишларнинг барча турларига тарифлар ва нархларни мустақил равишда, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва тегишли молия органлари билан келишган ҳолда белгилашга ҳақли.

10. Марказ:

текин асосда — болаларга юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиши;

пулли асосда (қонунда белгиланган ҳолларда — текин асосда) — хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиши;

диагностика ва даволашнинг тасдиқланган стандартларига мувофиқ тиббий ёрдам кўрсатилишини таъминлаши;

Марказ ходимларини ҳамда вилоят даволаш-профилактика муассасалари тиббиёт ходимларини мунтазам равишда қайта тайёрлаши ва уларнинг малакасини ошириши;

илғор тиббиёт муассасаларининг иш тажрибасини ўрганиши, умумлаштириши ва оммалаштириши;

Марказ ходимларига қонун ҳужжатларида назарда тутилган меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш, техника хавфсизлиги, ижтимоий таъминот ва муайян ижтимоий муҳофаза шартларини кафолатлаши;

Марказнинг моддий-техника базасини замонавий тиббиёт техникаси ва технологиялари билан мустаҳкамлаши ва ривожлантириши;

мол-мулкдан белгиланган мақсадларда фойдаланиши, уларнинг сақланишини таъминлаши;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бухгалтерия ва статистика ҳисобини, ҳисоботни юритиши шарт.

IV. Марказ тузилмаси ва унинг фаолиятини бошқариш

11. Марказнинг тузилмаси илова қилинади*.

12. Марказга раҳбарликни тегишли маъмурий ҳудуд ҳокимининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бош врач амалга оширади.

13. Бош врач ўринбосарларга эга бўлади. Марказ бош врачининг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири билан келишган ҳолда Марказ бош врач томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

14. Марказ бош врач томонидан белгиланган тартибда Марказ фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, ишларни ташкиллаштиради, Марказ номидан ишончномасиз иш кўради, барча ташкилотларда унинг манфаатларини ифодалайди, Марказ мол-мулкни тасарруф этади, шартномалар, шу жумладан меҳнат шартномалари тузади, ишончномалар беради, банкларда ҳисоб рақамлари очади, молиявий маблағларни тасарруф этиш ҳуқуқидан фойдаланади, штатларни тасдиқлайди, буйруқлар чиқаради ва Марказ фаолиятининг натижалари учун шахсан жавоб беради.

15. Марказ бош врач бўлмаган ҳолларда унинг вазифаларини соғлиқни сақлашни бошқариш ҳудудий органи билан келишган ҳолда унинг ўринбосарларидан бири бажаради.

V. Марказнинг молия-ҳўжалик фаолияти

16. Марказнинг молия-ҳўжалик фаолияти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

17. Марказ фаолиятининг мақсадларига мувофиқ ўз мол-мулкига эгалик қилади, улардан фойдаланади ва уларни тасарруф этади, бунда бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлардан самарали фойдаланилишини таъминлайди.

18. Марказнинг мол-мулки асосий воситалар, шунингдек бошқа моддий бойликлар ва молиявий ресурслардан иборат бўлади.

* Зарурият бўлганда Марказ раҳбари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирига тасдиқлаш учун Марказнинг тузилмасига ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича белгиланган тартибда таклифлар киритиш ҳуқуқига эга.

19. Марказ вақтинча фойдаланилмаётган биноларни шартнома асосида, тушган маблағлардан Марказни ривожлантириш учун фойдаланган ҳолда ижарага бериш, шунингдек асбоб-ускуналарни ва мол-мулкни қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда баланسدан чиқариш ҳуқуқига эга.

20. Давлат бюджети маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Марказни молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

21. Марказни молиялаштириш тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Давлат бюджети маблағлари ҳисобига, унинг харажатларига ҳақ тўлаш эса Ғазначиликнинг ҳудудий бўлинмалари орқали амалга оширилади.

VI. Ҳисоб ва ҳисобот

22. Марказ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритади, уларни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига ҳамда Давлат статистика қўмитасига тақдим этади, ҳужжатларнинг сақланиши ва келишилган рўйхат бўйича уларнинг давлат томонидан сақлашга берилиши учун жавоб беради.

23. Марказнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш ва текшириш соғлиқни сақлаш, солиқ ва молия органлари, ўз ваколатлари доирасида бошқа давлат органлари, шунингдек аудиторлик ташкилотлари томонидан, улар билан тузилган шартномалар асосида қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

VII. Яқунловчи қоидалар

24. Марказ давлат тасарруфидан чиқарилмайди ва хусусийлаштирилмайди.

25. Марказни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази тузилмаси



Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 18 мартдаги 48-сон қарорига
3-ИЛОВА

Вилоят тиббий диагностика маркази тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом вилоят тиббий диагностика маркази фаолиятини ташкил этиш ва молиялаштириш тартибини белгилайди.

Вилоят тиббий диагностика маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сон Фармонига мувофиқ, фаолият кўрсатиб турган вилоят диагностика маркази базасида ташкил этилади ҳамда аҳолига консультатив-диагностика хизмати кўрсатувчи даволаш-профилактика муассасаси ҳисобланади.

2. Марказ давлат муассасаси шаклида ташкил этилади, мустақил юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, банкларда ҳисоб рақамларига, ўз номи ёзилган гербли муҳрга, шунингдек ўзининг фаолияти учун зарур бўлган бошқа атрибутларга эга бўлади.

Марказ тиббиёт кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун клиник, ўқув базаси ҳисобланади.

3. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари ва бошқа қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

4. Марказ фаолиятнинг барча соҳаларидаги ўз муносабатларини Марказнинг мақсадлари ва фаолияти вазифаларига мувофиқ юридик ва жисмоний шахслар билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилган шартномалар асосида амалга оширади.

5. Ушбу Низом Қорақалпоғистон Республикаси тиббий диагностика марказига ҳам татбиқ этилади.

II. Марказнинг мақсади ва вазифалари

6. Қуйидагилар Марказни ташкил этиш ва унинг фаолияти мақсади ҳисобланади:

касалликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг олдини олиш;

замонавий юқори технологияли тиббий диагностика асбоб-ускуналаридан фойдаланган ҳолда аҳолига қулай консультатив-диагностика хизмати кўрсатиш.

7. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

касалларни тадқиқотларнинг замонавий, юқори технологияли асбобли ва лаборатория методлари ёрдамида текшириш;

тадқиқотлар ва комплекс диагностика хулосалари натижаларини бериш;

даволаш-диагностика жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида вилоят даволаш-профилактика муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

маъмурий ҳудуд диагностика хизматлари фаолиятига ташкилий-методик раҳбарлик қилиш;

махаллий шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда диагностика тадқиқотлари соҳасида замонавий методологияларни жорий этиш;

барча даражалардаги диагностика хизматларининг моддий-техника салоҳиятини ривожлантириш, уларга ўзлаштирилган ва диагностика марказида жорий этилган тиббиёт технологияларини бериш;

тиббиёт ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда қатнашиш;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ҳамда Марказ мақсадларига ва фаолияти предметига жавоб берадиган фаолиятнинг бошқа турларини амалга ошириш.

III. Марказнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

8. Марказ аҳолига консултатив ва даволаш-диагностика хизматларини тўлов асосида кўрсатади.

9. Белгиланган мақсадларга эришиш ва юкланган вазифаларни бажариш учун Марказ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзининг балансига берилган давлат мулкидан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш;

асосий воситаларни ижарага олиш ёки ижарага бериш, кредитларни, қарз маблағларини, грантларни ва бошқа молиявий ёрдамни жалб қилиш;

бюджет маблағлари ва пулли тиббий хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар доирасида Марказ ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш миқдорларини мустақил равишда белгилаш;

илмий тадқиқотлар ўтказишга давлат бюджетидан грантлар олиш учун танловларда қатнашиш;

хўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида яратилган интеллектуал мулк объектларига муаллифлик ҳуқуқларини олиш ва улардан фойдаланиш;

қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ хорижий юридик шахслар билан илмий ва илмий-техникавий ҳамкорликни амалга ошириш;

қонун ҳужжатларига, Марказ мақсадларига ва фаолияти предметига зид бўлмаган фаолиятнинг бошқа турларини амалга ошириш.

10. Марказ кўрсатиладиган пулли тиббий хизматларнинг, амалга ошириладиган ишларнинг барча турларига тарифлар ва нархларни мустақил равишда, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва тегишли молия органлари билан келишган ҳолда белгилашга ҳақли.

11. Марказ:

аҳолига юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиши;

аҳолига диагностика ва даволашнинг тасдиқланган стандартларига мувофиқ консултатив-диагностика ва даволаш ёрдами кўрсатилишини таъминлаши;

Марказ ходимларини мунтазам равишда қайта тайёрлаши ва уларнинг малакасини ошириши;

ўз фаолияти соҳаси бўйича илғор иш тажрибани ўрганиши, умумлаштириши ва оммалаштириши;

Марказ ходимларига қонун ҳужжатларида назарда тутилган меҳнатни ташкил

этиш ва унга ҳақ тўлаш, техника хавфсизлиги, ижтимоий таъминот ва муайян ижтимоий муҳофаза шартларини кафолатлаши;

Марказнинг моддий-техника базасини замонавий тиббиёт техникаси ва технологиялари билан мустаҳкамлаши ва ривожлантириши;

мол-мулкдан белгиланган мақсадларда фойдаланиши, уларнинг сақланишини таъминлаши;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бухгалтерия ва статистика ҳисобини, ҳисоботни юритиши шарт.

IV. Марказ тузилмаси ва унинг фаолиятини бошқариш

12. Марказнинг тузилмаси илова қилинади*.

13. Марказга раҳбарликни тегишли маъмурий ҳудуд ҳокимининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган директор амалга оширади.

14. Директор ўринбосарларга эга бўлади. Марказ директорининг ўринбосарлари соғлиқни сақлаш ҳудудий органи билан келишган ҳолда Марказ директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

15. Марказ директори белгиланган тартибда Марказ фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, ишларни ташкил этади, Марказ номидан ишончномасиз иш кўради, барча ташкилотларда унинг манфаатларини ифодалайди, Марказ мол-мулкни тасарруф этади, шартномалар, шу жумладан меҳнат шартномалари тузади, ишончномалар беради, банкларда ҳисоб рақамлари очади, молиявий маблағларни тасарруф этиш ҳуқуқидан фойдаланади, штатларни тасдиқлайди, буйруқлар чиқаради ва Марказ фаолиятининг натижалари учун шахсан жавоб беради.

16. Марказ директори бўлмаган ҳолларда унинг вазифаларини соғлиқни сақлаш ҳудудий бошқармаси билан келишган ҳолда унинг ўринбосарлардан бири бажаради.

V. Марказнинг молия-ҳўжалик фаолияти

17. Марказнинг молия-ҳўжалик фаолияти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

18. Марказ фаолият мақсадларига мувофиқ ўз мол-мулкига эгалик қилади, улардан фойдаланади ва уларни тасарруф этади, бунда бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлардан самарали фойдаланилишини таъминлайди.

19. Марказнинг мол-мулки асосий воситалар, шунингдек бошқа моддий бойликлар ва молиявий ресурслардан иборат бўлади.

20. Марказ вақтинча фойдаланилмаётган биноларни шартнома асосида, тушган маблағлардан Марказни ривожлантириш учун фойдаланган ҳолда ижарага бериш, шунингдек асбоб-ускуналарни ва мол-мулкни қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда балансдан чиқариш ҳуқуқига эга.

21. Пулли консультация-диагностика хизматлари кўрсатишдан олинadиган тушумлар, корхоналарнинг, нодавлат жамоат ташкилотларининг хайрия ва ихтиёрий бадаллари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Марказнинг даромад манбалари ҳисобланади.

* Зарурият бўлганда Марказ раҳбари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазириликда тасдиқлаш учун Марказнинг тузилмасига ўзгартириш ва кўшимчалар бўйича белгиланган тартибда таклифлар киритиш ҳуқуқига эга.

VI. Ҳисоб ва ҳисобот

22. Марказ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритади, уларни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига ва Давлат статистика қўмитасига тақдим этади, ҳужжатларнинг сақланиши ва келишилган рўйхат бўйича уларнинг давлат томонидан сақлашга берилиши учун жавоб беради.

23. Марказнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш ва текшириш соғлиқни сақлаш, солиқ ва молия органлари, ўз ваколатлари доирасида бошқа давлат органлари, шунингдек аудиторлик ташкилотлари томонидан, улар билан тузилган шартномалар асосида қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

VII. Яқунловчи қоидалар

24. Марказни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

+

-

Вилоят тиббий диагностика марказининг тузилмаси



Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 18 мартдаги 48-сон қарорига
4-ИЛОВА

Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси фаолиятини ташкил этиш ва молиялаштириш тартибини белгилайди.

Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси (кейинги ўринларда Бирлашма деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сон Фармонида мувофиқ марказий туман (шаҳар) касалхонаси, кўп тармоқли марказий туман поликлиникаси (Тошкент шаҳрида) негизида ташкил этилади.

2. Бирлашма ўз фаолиятида икки томонлама — тегишли ҳудуд ҳокимлигига ва соғлиқни сақлашни бошқариш ҳудудий органига бўйсунди.

3. Бирлашма давлат муассасаси шаклида ташкил этилади, мустақил юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, банкларда ҳисоб рақамларига, ўз номи ёзилган гербли муҳрга, шунингдек ўз фаолияти учун зарур бўлган бошқа атрибутларга эга бўлади.

Бирлашма тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича клиник ўқув базаси ҳисобланади.

4. Бирлашма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига ва бошқа қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига ҳамда ушбу Низомга амал қилади.

II. Бирлашманинг мақсади ва асосий вазифалари

5. Қуйидагилар Бирлашмани ташкил этиш ва фаолиятининг мақсади ҳисобланади:

ягона ташкилий-методик раҳбарликни ва аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини назорат қилишни таъминлайдиган соғлиқни сақлаш бирламчи бўғинининг замонавий ташкилий тузилмасини яратиш;

даволаш-профилактика, санитария-маърифий тадбирларни ва тиббий реабилитация хизматларини амалга оширишда қишлоқ врачлик пунктларига, оилавий поликлиникаларга ва бошқа тиббиёт муассасаларига методологик ёрдам кўрсатишнинг сифат жиҳатидан янги даражасини ташкил этиш.

6. Бирлашманинг асосий вазифалари:

аҳолига сифатли дастлабки амбулатория-поликлиника ёрдами кўрсатиш;

дастлабки шошилиш, кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатишни, беморларни стационар даволашни, шунингдек қишлоқ врачлик пунктларига, оилавий

поликлиникаларга, туман (шаҳар)нинг бошқа тиббиёт муассасаларига ташкилий-методик раҳбарликни амалга ошириш;

касалликларнинг, энг аввало, юқумли ва вирусли касалликларнинг олдини олиш бўйича профилактика ишларини ҳамда таъсирчан чора-тадбирларни амалга ошириш;

самарали санитария-эпидемиология назоратини таъминлаш;

беморларга тиббий ёрдам кўрсатишда диагностика ва даволаш стандартларини жорий этиш, шунингдек туман (шаҳар) тиббиёт муассасалари томонидан уларга рия этилишини назорат қилиш;

аҳоли ўртасида оилада тиббий маданиятни ошириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ишларини ташкил этиш;

тиббиёт кадрларини жой-жойига қўйиш, улардан оқилона фойдаланиш, уларнинг малакасини ошириш ҳамда уларни тарбиялаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш муассасаларини прогнозлаштириш, молиялаштириш ва уларнинг моддий-техника таъминотини ташкил қилиш.

III. Бирлашманинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

7. Бирлашма белгиланган мақсадларга эришиш ва зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда куйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзининг балансига берилган давлат мулкидан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш;

асосий воситаларни ижарага олиш ёки ижарага бериш, грантларни ва бошқа молиявий ёрдамни жалб этиш;

бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида Бирлашма ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда уларни моддий рағбатлантириш миқдорларини мустақил равишда белгилаш;

қонун ҳужжатларига, Бирлашма фаолиятининг мақсадлари ва предметига зид бўлмаган бошқа иш турларини амалга ошириш.

8. Бирлашма:

аҳолига бепул асосда юқори малакали консультация ва даволаш-профилактик тиббий ёрдам кўрсатиши;

беморларни замонавий талаблардаги сифат ва стандартлар даражасида диагностика қилиши ҳамда даволашни таъминлаши ва ривожлантириши;

Бирлашма ходимларини мунтазам равишда қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга ошириши;

Бирлашма ходимлари учун меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг қонун ҳужжатларида белгиланган шартларини кафолатлаши, техника хавфсизлигини, ижтимоий таъминотни ва муайян ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаши;

Бирлашманинг моддий-техника базасини замонавий тиббиёт техникаси ва технологиялари билан мустаҳкамлаши ва ривожлантириши;

мол-мулкдан мақсадли фойдаланиши, унинг сақланишини таъминлаши;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бухгалтерия ҳисобини ва статистик ҳисобни ҳамда ҳисоботларни юритиши шарт.

IV. Бирлашманинг тузилмаси ва уни бошқариш

9. Бирлашма тузилмаси илова қилинади*.

10. Қуйидагилар Бирлашманинг асосий таркибий бўлинмалари ҳисобланади: туманлар (шаҳарлар)да — шошилич тиббий ёрдам бўлимига эга бўлган марказий туман (шаҳар) касалхонаси, кўп тармоқли марказий туман (шаҳар) поликлиникаси, қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар (шаҳарларда), диспансерлар, акушерлик комплекслари, ихтисослаштирилган касалхоналар, хусусий тиббиёт муассасалари;

Тошкент шаҳрида — кўп тармоқли марказий туман поликлиникаси, оилавий поликлиникалар, диспансерлар (бемор ўринлари фондисиз), чақалоқлар уйлари, хусусий тиббиёт муассасалари.

11. Бирлашмага раҳбарликни тегишли вилоят ёки Тошкент шаҳар ҳокимининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган Бирлашма бошлиғи — марказий туман (шаҳар) касалхонаси бош врачлари, Тошкент шаҳрида эса — Бирлашма бошлиғи — кўп тармоқли марказий туман поликлиникаси мудири амалга оширади.

12. Туманлар (шаҳарлар)даги Бирлашма бошлиғи амбулатория-поликлиника ёрдами бўйича ўринбосарга — кўп тармоқли марказий туман (шаҳар) поликлиникаси мудирига эга бўлади. Бирлашма бошлиғининг ўринбосари Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари билан келишган ҳолда Бирлашма бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

13. Бирлашма бошлиғи белгиланган тартибда Бирлашма фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, ишларни ташкил қилади, Бирлашма номидан ишончномасиз иш олиб боради, барча ташкилотларда унинг манфаатларини ифодалайди, Бирлашма мол-мулкни тасарруф этади, шартномалар, шу жумладан меҳнат шартномалари тузади, ишончномалар беради, банкларда ҳисоб рақамлари очади, молиявий маблағларни тасарруф этиш ҳуқуқидан фойдаланади, штатларни тасдиқлайди, буйруқлар чиқаради ҳамда Бирлашма фаолияти натижалари учун шахсан жавоб беради.

14. Бирлашма бошлиғи бўлмаганда унинг вазифасини ўринбосари бажаради.

V. Бирлашманинг молия-хўжалик фаолияти

15. Бирлашманинг молия-хўжалик фаолияти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

16. Бирлашма ўз мол-мулкига эгалик қилади, ундан фаолияти мақсадларига мувофиқ фойдаланади ва уни тасарруф этади, шу билан бирга бюджет маблағлари ҳамда бюджетдан ташқари маблағлардан самарали фойдаланилишини таъминлайди.

17. Бирлашма мол-мулки асосий фондлардан, шунингдек бошқа моддий бойликлардан ва молиявий ресурслардан иборат бўлади.

18. Бирлашма вақтинча фойдаланилмаётган хоналарни, улардан аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш учун фойдаланиш мақсадида, шартнома асосида ижарага бе-

* Зарурият бўлганда Бирлашма раҳбари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида тасдиқлаш учун Бирлашманинг тузилмасига ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича белгиланган тартибда таклифлар киритиш ҳуқуқига эга.

риш, шунингдек асбоб-ускуналар ва мол-мулкни амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда балансдан чиқариш ҳуқуқига эга.

19. Давлат бюджети маблағлари, хайрия эҳсонлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Бирлашмани молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

20. Бирлашма харажатларини молиялаштириш (тўлаш) белгиланган тартибда тасдиқланган харажатлар сметаларига мувофиқ амалга оширилади.

21. Бирлашманинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.


VI. Қайта ташкил этиш ва тугатиш

22. Бирлашмани қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

-

+

Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмасининг тузилмаси



Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 18 мартдаги 48-сон қарорига
5-ИЛОВА

Қишлоқ врачлик пункти тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини ташкил этиш ва моли-ялаштириш тартибини белгилайди.

Қишлоқ врачлик пункти (кейинги ўринларда ҚВП деб аталади) тегишли ҳудудда қишлоқ аҳолисига врачнинг дастлабки тиббий-санитария ёрдами кўрсатишига мўлжалланган даволаш-профилактика муассасаси ҳисобланади.

2. ҚВП қишлоқ жойларда аҳолининг жойлашиш тизими, аҳоли пунктлари сони ва йироқда жойлашганлиги, хизмат кўрсатиш доираси, йўл тармоғи ривожланганлиги, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва ишлаб чиқаришнинг бошқа турлари хусусияти ҳисобга олинган ҳолда ташкил этилади.

Хизмат кўрсатиладиган аҳоли сонига қараб ҚВП:

1500 кишигача хизмат кўрсатадиган — биринчи типда;

1500 кишидан 3500 кишигача хизмат кўрсатадиган — иккинчи типда;

3500 кишидан 6000 кишигача хизмат кўрсатадиган — учинчи типда;

6000 кишидан 10000 кишигача хизмат кўрсатадиган — тўртинчи типда бўлиши мумкин.

3. ҚВП врачларининг штатдаги таркиби сони ҚВП типига ва хизмат кўрсатиладиган аҳоли сонига қараб белгиланади.

4. ҚВП давлат муассасаси шаклида ташкил этилади, мустақил юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, банкларда ҳисоб рақамларига, ҚВПнинг тўлиқ номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

5. ҚВП барча зарур коммуникациялар: электр, иситиш, сув таъминоти, канализация ва телефон алоқаси билан таъминланган бўлиши керак.

6. ҚВП ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига ва бошқа қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига ҳамда ушбу Низомга амал қилади.

II. ҚВП фаолиятининг мақсади ва вазифалари

7. Умумий амалиёт врачлари ва оилавий тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш принциплари асосида қишлоқ аҳолисига сифатли дастлабки тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш ҚВПни ташкил этиш ва унинг фаолияти мақсади ҳисобланади.

8. Қуйидагилар ҚВПнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

қишлоқ аҳолисига ҳам алоҳида мижозлар, ҳам бутун оила даражасида энг кўп учрайдиган касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш бўйича тиббий хизматлар кўрсатиш;

ўз вақтида тиббий маслаҳат бериш, кам учрайдиган касалликлар, ёхуд касаллик кечишининг оғир ва типик бўлмаган вариантлари ҳолатида мижозларни кўрсат-

кичлари бўйича шифохонага ётқизиш учун ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларига йўлланма бериш;

диагностика ва даволаш стандартларига мувофиқ хизмат кўрсатилаётган ҳудуд аҳолисига шифохонага ётқизилгунга қадар шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш;

хизмат кўрсатиладиган аҳоли ўртасида касалланиш, жароҳатланиш, ногиронлик ҳамда ўлимнинг олдини олиш ва камайтириш тадбирларини амалга ошириш;

касалликларни аниқлаш, ижтимоий аҳамиятли касалликларга, шу жумладан сил, тери-таносил касалликлари, хавfli ўсмалар, ОИТС ва ОИВ инфекциясига қарши кураш бўйича тадбирларни амалга ошириш мақсадида биринчи навбатда болалар, ўсмирлар, бола туғиш ёшидаги аёллар, ёлғиз, кекса кишилар, ногиронлар, сурункали касалликларга чалинган беморларни текшириш учун олдини олиш ва мақсадли тиббий текширишларни ташкил этиш;

комплекс санитария-эпидемияга қарши чора-тадбирларни (профилактик эмлаш, муассасалар ва объектлар, сув таъминоти ва аҳоли яшайдиган жойларни тозалаш устидан жорий санитария назорати), аҳолини санитария-гигиеник тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини, шу жумладан оқилона овқатланишни тарғиб қилиш, алкоголь истеъмол қилиш, чекиш ва бошқа зарарли одатларга қарши кураш олиб бериш чора-тадбирларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

ижтимоий ёрдам кўрсатиш ходимлари билан биргаликда ёлғиз, кекса, ногирон, сурункали касалликларга чалинган беморлар патронажини ташкил этиш ва тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш;

вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик экспертизасини белгиланган тартибда ўтказиш, беморларнинг соғлиғи ва меҳнатга лаёқати ҳолатини врач экспертизасидан ўтказиш учун Врачлар маслаҳат комиссияси ва Тиббий-меҳнат эксперт комиссиясига йўлланма бериш, касалликка чалиниш ва жароҳатланишни пасайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

оммавий дала ишлари даврида касалхонадан ташқари ёрдамни қишлоқ хўжалиғи ходимларига яқинлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

жиҳозлаш ва диагностика стандартларига мувофиқ лаборатория тадқиқотлари ва инструментал тадқиқотлар олиб бериш.

III. ҚВПнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

9. ҚВП белгиланган мақсадларга эришиш ва зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзининг балансига берилган давлат мол-мулкидан фойдаланиш ва уни тасаруф этиш;

асосий воситаларни ижарага олиш ёки ижарага бериш, кредитлар, қарз маблағлари, грантлар ва бошқа молиявий ёрдамни жалб этиш;

ҚВП ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш миқдорларини мустақил белгилаш;

профессионал фаолиятни амалга ошириш жараёнида яратилган интеллектуал мол-мулк объектларига муаллифлик ҳуқуқларини олиш ва улардан фойдаланиш;

қонун ҳужжатларига, ҚВП мақсадлари ва фаолияти предметига зид бўлмаган фаолиятнинг бошқа турларини амалга ошириш.

10. ҚВП:

бириктирилган ҳудуд аҳолисини малакали врач ёрдами билан таъминлаши;

беморларни амбулаторияда қабул қилиш ва уларнинг уйига боришни амалга ошириши;

диагностика ва даволаш стандартларига мувофиқ шифохонага ётқизилгунгача шошилиш ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатиши;

мижозларнинг ҳуқуқларига, шу жумладан мижоз тўғрисидаги тиббий ахборотнинг махфийлиги ҳуқуқига риоя қилиши;

ҚВП хоналарида зарур санитария-гигиена режимини, асептика ва антисептика қоидаларини, инъекциядан кейин асоратлар, зардобли гепатит, ОИТС, бошқа юқумли касалликлар профилактикасини таъминлайдиган инструментлар ва материалларни стерилизация қилиш шароитларини таъминлаши;

мавжуд тиббиёт асбоб-ускуналари, аппаратлар ва мол-мулк сақланиши ва улардан самарали фойдаланилишини таъминлаши;

оммавий юқумли касалликлар, овқатдан заҳарланишнинг барча ҳоллари ва фавқулодда вазиятлар тўғрисида тегишли хизматларни ўз вақтида хабардор қилиши шарт.

IV. Марказнинг тузилмаси ва фаолиятини бошқариш

11. ҚВПнинг тузилмаси илова қилинади*.

12. ҚВПга белгиланган тартибда туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган мудир раҳбарлик қилади.

ҚВПда ҚВП мудирининг ўринбосари ҳуқуқларига эга бўлган ҚВПнинг молиявий менежери лавозими жорий этилади.

13. ҚВП мудирини белгиланган тартибда ҚВП фаолиятига умумий раҳбарлик қилади, унинг ишини ташкил этади, ҚВП номидан ишончномасиз иш кўради, барча ташкилотларда унинг манфаатларини ифодалайди, ҚВП мол-мулкни тасарруф қилади, шартномалар, шу жумладан меҳнат шартномалари тузади, ишончномалар беради, банкларда ҳисоб рақамлари очади, молиявий маблағларни тасарруф этиш ҳуқуқидан фойдаланади, штатларни тасдиқлайди, буйруқлар чиқаради ва ҚВП фаолияти натижалари учун шахсан жавоб беради.

14. ҚВП штатлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган нормативлар бўйича хизмат кўрсатиладиган аҳоли сонидан келиб чиқиб белгиланади.

15. ҚВП фаолиятини назорат қилиш Туман тиббиёт бирлашмаси томонидан амалга оширилади.

V. ҚВПнинг молия-хўжалик фаолияти

16. ҚВПнинг молия-хўжалик фаолияти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

17. ҚВП фаолияти мақсадларига мувофиқ ўз мол-мулкига эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф қилади, бунда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан самарали фойдаланилишини таъминлайди.

18. Асосий фондлар, шунингдек бошқа моддий бойликлар ва молиявий ресурслар ҚВПнинг мол-мулкни ташкил этади.

19. Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар: корхоналар, жамоат

* Зарурият бўлганда ҚВП раҳбари Туман тиббиёт бирлашмасига тасдиқлаш учун ҚВП тузилмасига ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича белгиланган тартибда таклифлар киритиш ҳуқуқига эга.

ташкilotлари, нодавлат ташкilotларнинг хайрия ва ихтиёрий бадаллари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҚВПни молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

20. Тўлақонли фаолият кўрсатиши учун ҚВП давлат бюджети маблағлари ҳисобига тиббиёт асбоб-ускуналари, қаттиқ ва юмшоқ инвентарь, тиббиёт мебели, бошқа мол-мулк, дори-дармон воситалари, санитария ва гигиена буюмлари, сарфлаш материаллари, хўжалик эҳтиёжлари ва бошқа эҳтиёжлар учун воситалар билан таъминланади.

21. ҚВПнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

VI. Ҳисоб ва ҳисобот

22. ҚВП қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритади, уни туман тиббиёт бирлашмасига ва статистика органларига тақдим этади, ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг келишилган рўйхатга мувофиқ давлат томонидан сақлашга берилиши учун жавоб беради.

23. ҚВПнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш ва текшириш соғлиқни сақлаш органлари, солиқ ва молия органлари, бошқа давлат органлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда аудиторлик ташкilotлари билан тузилган шартномалар асосида аудиторлик ташкilotлари томонидан амалга оширилади.

+

VII. Яқунловчи қоидалар

-


24. ҚВП давлат тасарруфидан чиқарилмайди ва хусусийлаштирилмайди.

25. ҚВПни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 18 мартдаги 48-сон қарорига
5а-ИЛОВА

72-модда

Қишлоқ врачлик пункти (ҚВП) тузилмаси



* Умумий амалиёт ва кундузги стационар врачлари хоналарининг сони ҚВП турига боғлиқ бўлади.

— 30 —

12-13 (304-305)-сон

+

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI BAZIRLAR MAХKAMACIНИНГ
ҚАРОРИ**73 Республика аҳолисини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган қанд-шакар билан таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Республикада қанд-шакар ишлаб чиқариш ва сотишни кўпайтириш ҳамда «Хогазм Шакар» очик акциядорлик жамиятини молиявий соғломлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Хогазм Шакар» очик акциядорлик жамияти истисно тариқасида 2008 йил 1 октябргача бўлган муддатга:

четдан олиб келинадиган асбоб-ускуналар, механизмлар, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар, хом ашё ҳамда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган бошқа материаллар учун божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташқари) тўлашдан;

ўзи ишлаб чиқарган тайёр маҳсулотни сотишда қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилинсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 27 март,
52-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MOЛИЯ BAZИPЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI ДAVЛAT COЛИҚ ҚЎМИTACИНИНГ
ҚАРОРИ

74 Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
18 мартда 1446-5-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 28 мартдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 52-сон, 534-модда) мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 14 январдаги 3 ва 2005-3-сон қарори билан тасдиқланган Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга (2005 йил 31 январь, рўйхат рақами 1446 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 5-6-сон, 37-модда, 39-сон, 300-модда; 2006 й., 6-7-сон, 44-модда, 28-29-сон, 278-модда; 2007 й., 9-10-сон, 94-модда) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2008 йил 3 март,
19-сон

Р. АЗИМОВ

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2008 йил 3 март,
2008-15-сон

Б. ПАРПИЕВ

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ MАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ**75** Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 18 мартда 773-25-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2008 йил 28 мартдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 7 ва 51-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 17 июлдаги 15/3-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режасига»га (2004 йил 13 август, рўйхат рақами 773-17 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами, 2004 йил, 32-сон, 369-модда) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб 10 кундан сўнг кучга киради.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Марказий банк Раисининг ўринбосари М.Ё. Эшматов зиммасига юклатилсин.

**Марказий банк
Бошқаруви раиси**

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 1 март,
6/3-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРВОЗ ХАВФСИЗЛИГИНИ НАЗОРАТ
ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ
БУЙРУҒИ

76 **Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси авиация
ходимларини таснифлаш ва гувоҳномалар бериш
авиация қоидаларига ўзгартиш киритиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
18 мартда 1349-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 28 мартдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси фаолиятини тартибга солувчи норматив ҳужжатларни такомиллаштириш мақсадида ИКАО стандартлари ва тавсияларини инобатга олиб **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси авиация ходимларини таснифлаш ва гувоҳномалар бериш авиация қоидаларига (2004 йил 7 май, рўйхат рақами 1349) иловага* мувофиқ ўзгартиш киритилсин.
2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

— **Парвоз хавфсизлигини
назорат қилиш Давлат
инспекцияси бошлиғи**

+

Ҳ. ТРОБОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 13 март,
51-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

77 Уй-жойларни олиш-сотиш, алмаштириш ва ҳадя қилиш шартномаларини нотариал тасдиқлаганда давлат божини ундириш тартиби тўғрисида тушунтиришни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
20 мартда 538-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 30 мартдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 июндаги «Нотариал ишларни бажарганлик учун давлат божи ставкалари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 109-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Адлия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган Уй-жойларни олиш-сотиш, алмаштириш ва ҳадя қилиш шартномаларини нотариал тасдиқлаганда давлат божини ундириш тартиби тўғрисида тушунтириш (1998 йил 17 ноябрь, рўйхат рақами 538) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2008 йил 18 март,
2008-14-сон

Б. ПАРПИЕВ

Адлия вазири

Тошкент ш.,
2008 йил 18 март,
20-26-5-сон

Р. МУҲИТДИНОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**78 Умумий ўрта таълим олувчиларнинг якуний давлат
аттестацияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
20 мартда 1778-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 30 мартдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида, **буюраман:**

1. Умумий ўрта таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

Халқ таълими вазири

Т. ДЖУРАЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 4 март,
56-сон

Халқ таълими вазирининг
2008 йил 4 мартдаги 56-сонли
буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Умумий ўрта таълим олувчиларнинг якуний
давлат аттестацияси тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги 203-сон қарори асосида умумий ўрта таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестациясини (кейинги ўринларда якуний аттестация деб юритилади) ўтказиш жараёнини тартибга солиди.

І. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим муассасаларининг (бундан кейинги ўринларда мактаб деб юритилади) битирувчилари учун умумий ўрта таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштиргандан кейин якуний аттестациядан ўтиш мажбурийдир, мазкур Низомнинг III-бўлимида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.
2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

29 октябрдаги 473-сон қарори билан тасдиқланган «2004 — 2009 йилларда Ўзбекистон Республикаси бўйича академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини ишга туширишнинг аниқ йўналтирилган дастури»нинг ижроси тўлиқ таъминлангунга қадар ўтиш даврида ўрта таълим битирувчиларига (бундан кейинги ўринларда XI-синф битирувчилари деб юритилади) ҳам татбиқ этилади.

3. Мактаб битирувчиларининг билими, малака ва кўникмаларига қўйилган талабларнинг бажарилиши бўйича якуний аттестация ёзма, оғзаки ёки тест усулида ҳар бир фаннинг амалдаги ўқув дастури асосида ўқув йилининг якуни бўйича ўтказилади.

4. Таълим дастурларини давлат таълим стандартлари талаблари даражасида ўзлаштирган ва ўқув фанлардан йил якуни бўйича ижобий баҳоланган, ёки битта ўқув фанидан қониқарсиз баҳоланган (ушбу фан бўйича якуний аттестациядан ўтиш шарти билан) битирувчилар мактаб педагогик кенгаши қарорига асосан якуний аттестацияга қўйилдилар.

5. Шартнома асосида мактабларда таҳсил олаётган чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар якуний аттестацияга мазкур Низомнинг 4-банди асосида қўйилдилар.

II. Якуний аттестацияни ўтказиш тартиби

6. Битирувчи синфларда якуний аттестация ўтказиладиган фанлар рўйхати, шакли ва муддатлари ҳар ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади.

7. Битирувчи синфлар учун якуний аттестация материаллари (иншо мавзулари, математика бўйича топшириқлар, оғзаки имтиҳон билетлари, тест топшириқлари) Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги қошидаги Республика таълим маркази томонидан тайёрланиб, экспертизадан ўтказилиб тасдиқланади. Тест материалларини экспертизадан ўтказиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази вакиллари қатнашиши мумкин.

Фанларни чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган мактабларда педагогик кенгашнинг қарори билан ушбу фандан қўшимча якуний аттестация киритилиши мумкин. Имтиҳон билетлари, тест топшириқлари мактаб методик бирлашмалари томонидан тайёрланади ва мактаб директори томонидан тасдиқланади.

8. Мактаб битирувчиларининг якуний аттестациясини шу мактаб педагогик кенгаши томонидан тасдиқланган якуний аттестация комиссияси мувофиқлаштиради.

9. Якуний аттестацияни ташкил этиш ва ўтказиш учун барча жавобгарлик мактаб якуний аттестация комиссия раиси зиммасида бўлади.

10. Якуний аттестация ўтказиладиган ҳар бир фандан мактаб директорининг буйруғи билан якуний давлат аттестация комиссияси (кейинги ўринларда якуний аттестация комиссияси деб юритилади) қуйидаги таркибда тайинланади:

ўқув фани бўйича якуний аттестация комиссияси раиси — мактаб директори, унинг ўринбосари ёки мактаб ўқитувчиси;

синфда мазкур фандан дарс берган ўқитувчи;

мазкур фан ёки ушбу фанга яқин фан ўқитувчиларидан иборат битта (XI-синфларда иккита) ассистент.

Фан бўйича якуний аттестацияни ташкил этиш ва ўтказиш учун барча жавобгарлик ушбу комиссия раиси зиммасига юклатилади.

Якуний аттестация ўтказиладиган фандан дарс берган ўқитувчи шу синфга якуний аттестация комиссиясининг раиси бўлиши мумкин эмас.

Якуний аттестацияда васийлик кенгаши, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари ва ота-оналар қўмитаси вакиллари жамоатчилик асосида кузатувчи сифатида қатнашишлари мумкин.

11. Халқ таълими вазирлиги ва жойлардаги таълимни бошқариш идоралари мазкур Низом талабларининг бажарилишини назорат қилади. Бу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази вакиллари иштирок этишлари мумкин.

12. Ўқув фани бўйича якуний аттестация комиссияси аъзоларининг вазифалари Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

13. Якуний аттестация мактаб директори томонидан тасдиқланган жадвал асосида ўтказилади. Жадвал якуний аттестация бошланишидан камида 10 кун олдин қўринадиган жойга осиб қўйилади.

Якуний аттестация жадвалини тузишда қуйидагиларга эътибор берилади:

ўқув фанлари бўйича ўтказиладиган якуний аттестация оралиғи икки кундан кам бўлмаслиги керак;

жисмоний тарбия фанидан аввал амалий, кейин назарий якуний аттестация ўтказилади.

14. Якуний аттестация учун мактабда кенг ва ёруғ хоналар ажратилади.

Ёзма якуний аттестация вақтида битирувчилар парталар (столлар)га биттадан ўтказилади.

15. Барча мактабларда якуний аттестация эрталаб соат 8.00 дан бошланади.

Оғзаки якуний аттестациядан ўтишда битирувчиларнинг сони 20 нафардан ортиқ бўлса, якуний аттестация икки гуруҳда кетма-кет бир кунда ўтказилиши мумкин.

16. Ўқувчиларга ёзма ва оғзаки якуний аттестацияда фойдаланиш учун мактаб штампи туширилган тоза варақлар берилади.

17. Она тили ва адабиёт фанидан ўтказиладиган баён ёки иншо мавзулари ҳамда математикадан топшириқларни танлаш, якуний аттестация бошланишидан олдин, барчанинг иштирокида топшириқ рақами солинган конвертни танлаб олиш йўли билан амалга оширилади. Иншо ёки баён мавзуси ва математикадан топшириқлар синф доскасига аниқ, тушунарли ҳолда ёзиб қўйилади (топшириқлар ҳар бир ўқувчига алоҳида вариант сифатида берилмаган ҳолларда).

18. Она тили ва адабиёт фанидан якуний аттестацияда иншо ёзиш даврида битирувчиларга якуний аттестация комиссиясининг розилиги билан ўз иншоларига киритиладиган парчаларни, айрим матнларни аниқлаб олишлари учун бадиий адабиётлардан фойдаланишларига рухсат этилади. Мавзу мазмунини талқин этувчи манбалардан фойдаланишга рухсат этилмайди.

Бошқа фанлардан якуний аттестация ўтказиладиган пайтида битирувчилар харита, глобус, турли жадваллар, чизмалар, муляж, гербарийлар, препаратлар, лаборатория асбоб-ускуналари ва бошқа воситалардан фойдаланишларига рухсат берилади.

19. Ёзма ишларни бажариш пайтида битирувчилар эҳтиёж туфайли 5 — 10 дақиқага синфдан ташқарига чиқишларига рухсат берилади. Бундай ҳолларда битирувчи ёзма ишини якуний аттестация комиссияси аъзоларига топшириб кетади. Якуний аттестация комиссияси аъзолари томонидан эса ёзма ишга битирувчининг қанча муддатда синфдан ташқарида бўлганлиги белгилаб қўйилади.

20. Битирувчи ўз ишининг хомаки нусхасини ёзма иш билан бирга якуний аттестация комиссиясига топширади. Белгиланган вақтда ёзма ишни тугаллай олмаган битирувчилар уни тугатмаган ҳолда топширадilar.

21. Якуний аттестация тугаганидан сўнг ёзма ишлар якуний аттестация комиссияси раиси томонидан шифрланади ва комиссия аъзолари уларни мактабдан чиқмаган ҳолда текширадилар. Текшириб улгурилмаган ёзма ишлар сақлаш учун мактаб директориға топширилади.

Битирувчиларнинг «2» ва «5» билан баҳоланган иншолари, баёнлари, математика бўйича ёзма ишларига имтиҳон комиссияси аъзолари томонидан тақриз ёзилади.

22. Битирувчи томонидан ёзилган баён ёки иншо учун иккита баҳо қўйилади: биринчиси (суратда) адабиётдан мавзу мазмуни учун; иккинчиси (махражида) она тилидан саводхонлиги учун.

Ушбу баҳолар адабиёт ва она тили фанларига якуний аттестация баҳоси сифатида қўйилади ҳамда шу фанлардан якуний баҳо чиқаришда асос бўлади.

23. Ёзма ишларнинг баҳолари навбатдаги якуний аттестация ўтказиладиган кунга қадар эълон қилинади.

24. Мактабни «аъло» даражали шаходатнома билан битиришга даъвогарлик қилаётган битирувчиларнинг ёзма ишларини имтиҳон комиссияси аъзолари якуний аттестация якунланган кун давомида текшириб, баҳолайдилар.

25. Мактабнинг IX-синф битирувчиларига она тилидан иншога 4 астрономик соат (баёнга 3 астрономик соат), математикадан ёзма ишга 3 астрономик соат, XI синф битирувчиларига иншо ва математикадан ёзма иш учун 4 астрономик соатдан, тест-синов топшириқлари берилиши кўзда тутилган бўлса, уларни бажаришга бериладиган вақт ижтимоий-гуманитар фанлар учун ҳар бир тест саволига 2 дақиқа, аниқ фанлар учун 3 дақиқа ажратилади.

Битирувчиларга оғзаки якуний аттестацияда олган топшириқлари бўйича тайёрланиш учун 15 — 20 дақиқа вақт берилади.

26. Якуний аттестация комиссияси аъзолари битирувчи ўқувчининг жавобларини диққат билан бўлмасдан тинглайдилар. Битирувчига билетда қўйилган топшириқлар доирасида қўшимча саволлар берилиши мумкин.

Билет саволига жавоб бера олмаган битирувчига якуний аттестация комиссияси томонидан иккинчи марта билет олишга рухсат берилади. Иккинчи марта билет олган битирувчига қандай баҳо қўйишни унинг берган жавобига кўра комиссия аъзолари ҳал этади. Битирувчига учинчи марта билет олишга рухсат берилмайди ва унга якуний аттестациянинг баҳоси сифатида «қониқарсиз» баҳо қўйилади.

27. Битирувчиларнинг оғзаки якуний аттестацияда олган баҳолари шу синфда якуний аттестация якунланиши биланоқ уларга маълум қилинади.

28. Битирувчи оғзаки ёки ёзма якуний аттестацияни топшириш жараёнида белгиланган тартибни бузган тақдирда, у якуний аттестацияни давом эттириш ҳуқуқидан маҳрум қилинади. Битирувчи якуний аттестацияни давом эттириш ҳуқуқидан маҳрум қилинганда якуний аттестация комиссияси томонидан бу ҳақда якуний аттестация баённомасига ёзиб қўйилади.

Мактаб педагогик кенгашининг қарори асосида унга якуний аттестация тугаган кундан кейин икки ҳафта ўтгач мазкур фандан қайта якуний аттестациядан ўтишга рухсат берилиши мумкин.

29. Ҳар бир фан бўйича оғзаки ёки ёзма якуний аттестация ўтказилгач, якуний аттестация комиссияси барча битирувчиларга йиллик ва якуний аттестация баҳолари асосида якуний баҳоларни қўядилар. Бунда, битирувчининг йиллик ва якуний аттестация баҳосининг ўртачаси олиниб яхлитланади. Якуний аттестацияда «қониқарсиз» баҳо олган битирувчига «қониқарли» якуний баҳо қўйилмайди.

Якуний аттестация комиссияси битирувчиларнинг баҳоларини якуний аттеста-

ция баённомасига киритади. Якуний аттестация баённомаси ушбу фан бўйича белгиланган якуний аттестация комиссияси аъзолари томонидан имзоланади.

30. Битирувчиларга ёзма ёки оғзаки якуний аттестация бўйича баҳо қўйиш якуний аттестация комиссияси аъзолари ўртасида овозга қўйиш асосида ҳал этилади.

Овозлар тенг бўлган ҳолларда комиссия раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

Якуний аттестация комиссияси аъзоларининг алоҳида фикрлари якуний аттестация баённомасига киритилади.

31. Тиббий муассасаларда даволанган битирувчи синф ўқувчиларига якуний баҳо қўйишда шифохона қошида ташкил этилган мактаб томонидан қўйилган баҳо-лар инobatга олинади.

32. Якуний аттестацияда олган баҳосига эътироз билдирган битирувчиларнинг аризаларини кўриб чиқиш учун туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларида апелляция комиссиялари тузилади.

Якуний аттестация комиссияси томонидан текширилган ёзма иш билан танишиш муддати ва тартиби ҳамда апелляция комиссиянинг иш муддати ва тартиби, унинг таркиби ҳамда ваколатлари туман (шаҳар) халқ таълими бўлими томонидан буйруқ билан расмийлаштирилади ва битирувчилар, уларнинг ота-оналари, ўқитувчилар ва мактаб директорлари эътиборига якуний аттестация бошланишидан камида икки ҳафта олдин етказилади.

33. Якуний аттестацияда олган баҳосидан эътирози бўлган битирувчилар якуний аттестация баҳолари эълон қилинган кундан эътиборан уч кун муддат ичида туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари қошида ташкил этилган апелляция комиссиясига мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

34. Чет элларда вақтинча билим олган (ота-онаси хориждаги дипломатик корпусларда ишлаётган, турли танловлар ёки чет мамлакатларнинг грантлари ҳисобига таълим олган) битирувчи ўқувчиларни якуний аттестацияга қўйиш масаласи Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан кўриб чиқилади.

Битирувчи ўқиган мамлакатда умумий ўрта ва ўрта таълимни тугатганлиги тўғрисида ҳужжат (шаҳодатнома, сертификат ва х. к.) олган бўлса, уни Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаларида ташкил этилган комиссия хулосасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари якуний аттестацияси бошқармаси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нострификация қилинади.

Битирувчига чет мамлакатларда берилган ҳужжат Ўзбекистон Республикасида бериладиган шаҳодатнома ўрнини боса олмаса, яъни ўқувчи маълум бир фанлар йўналишидагина таълим олиб келган бўлса, у умумий тартибда якуний аттестацияга киритилади. Бундай ҳолларда ўқувчи ўзига берилган ҳужжатда кўрсатилган фанлардан бошқа барча фанлар бўйича якуний аттестациядан ўтказилади.

Ўқувчига якуний баҳони қўйишда унинг аввалги синфларда олган баҳолари ҳам инobatга олинади.

35. Бир ёки икки фандан ўтказилган якуний аттестацияда қониқарсиз баҳо олган битирувчиларга охириги якуний аттестациядан кейин икки ҳафта ўтгач қониқарсиз баҳо олган фанидан қайта якуний аттестациядан ўтиш ҳуқуқи берилади.

36. Йиллик баҳо ва якуний аттестация натижаларига кўра, умумий ўрта таълим давлат таълим стандартлари талабларини бажармай, «қониқарсиз» баҳо олган IX-синф битирувчилари шу синфда қайта ўқишга қолдирилади, XI синф битирувчиларига эса бундай ҳолларда ўқиганлиги ҳақида маълумотнома берилади.

III. Битирувчиларни якуний аттестациядан озод этиш

37. Фанларни ижобий ўзлаштираётган битирувчилар якуний аттестациядан туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари буйруқлари асосида қуйидаги ҳолларда қисман ёки бутунлай озод этиладилар:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликлари томонидан тасдиқланган якуний аттестациядан озод қилиш мумкин бўлган касалликларга асосан;

халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган фан олимпиадаларида, спорт мусобақаларида, турли кўрик-танловларида битирувчиларнинг иштироки бевосита якуний аттестация даврига тўғри келса. Бунда битирувчи шу кунлардаги якуний аттестациядан озод этилади.

38. Битирувчи йиллик ижобий баҳоларга эга бўлган ҳолда соғлиги туфайли якуний аттестациядан озод этилган тақдирда туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари қуйидаги ҳужжатларга асосланган ҳолда буйруқ қабул қилади:

мактаб жойлашган ҳудуддаги даволаниш муассасаси тиббий-назорат комиссиясининг мактаб шифокори, қишлоқ жойларда эса туман бош педиатри билан келишган ҳолдаги тиббий хулосалари;

мактаб педагогика кенгашининг қарори ва директорнинг расмий хати, ўзлаштириш табели (ушбу кўрсатилган ҳужжатлар директор имзоси ва мактаб муҳри билан тасдиқланади).

XI-синф битирувчилари юқорида ақс этирилган сабаблар ва ҳужжатлар асосида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси буйруқлари асосида якуний аттестациядан қисман ёки бутунлай озод этиладилар.

39. Битирувчиларнинг яшаш жойи ўзгариши (Республикадан ташқарига чиқиш) муносабати билан шу ҳолатни тасдиқловчи расмий ҳужжатлари бўлса, (бу ҳолат март-апрель-май ойларида юзага келса) бундай битирувчиларга якуний аттестациядан муддатидан илгари ўтишларига Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг буйруғи билан рухсат берилади.

Бундай ҳолларда Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган фанлардан якуний аттестация, қолган фанлардан эса синовлар мазкур низом талаблари асосида ўтказилади. Якуний аттестация ва синовлар мактаб директори тузган муваққат якуний аттестация комиссияси томонидан ва у тасдиқлаган жадвал асосида ўтказилади.

40. Якуний аттестация даврида касал бўлган ва якуний аттестация жараёни тугашигача тузалиб келган битирувчилар мактаб директорининг буйруғига кўра қолдирилган фанлардан якуний аттестация тугагандан сўнг икки ҳафта ўтгач якуний аттестациядан ўтадилар.

Ўқувчиларнинг саломатлиги бўйича жисмоний тарбия машғулотларидан озод этилишлари, уларнинг мактабни битиришларига таъсир кўрсатмайди.

IV. Якуний қоидалар

41. Мазкур Низом талабларини бузган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилади.

42. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан келишилган

*Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Давлат тест маркази директори*

Б. ИСМОИЛОВ

*Тошкент ш.,
2008 йил 29 февраль*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИНИНГ
ҚАРОРИ

79 Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқишга қамраб олиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
26 мартда 1779-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 5 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрдаги «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимига изчил ўтишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 473-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази **қарор қилади:**

1. Илова қилинаётган Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқишга қамраб олиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низом тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин ўн кундан сўнг кучга киради.

Халқ таълими вазири

Т. ДЖУРАЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 4 март,
6-сон

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

А. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 4 март,
56/1-сон

**Ўрта махсус, касб-хунар
таълими маркази директори**

З. САТТОРОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 4 март,
09/ҚҚ-сон

+

Халқ таълим вазирлиги, Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус,
касб-хунар таълими марказининг
2008 йил 4 мартдаги 6, 56/1, 09/ҚҚ-сон
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

-

**Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф
битирувчиларини академик лицей ва касб-хунар
колежларига ўқишга қамраб олиш тартиби тўғрисида
ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ**

Мазкур Вақтинчалик низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябридаги «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 473-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2003 йил 20-сон, 199-модда) мувофиқ, умумий ўрта таълим мактаблари 9-синф битирувчиларини (бундан кейинги ўринларда битирувчилар деб юритилади) уларнинг ўзлари ва оналари (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) томонидан ихтиёрий равишда танланган таълим йўналиши (мутахассислиги) бўйича академик лицей ва касб-хунар коллежларига қамраб олиш тартибини белгилайди.

Битирувчиларни академик лицей ва касб-хунар коллежларига қабул қилиш ушбу Низом ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

I. Битирувчиларнинг ҳужжатларини академик лицей ва касб-хунар коллежларига топшириш ҳамда қабул қилишни ташкил этиш

1. Халқ таълими тизимида ўтказилган ташхис натижаларига мувофиқ, битирувчиларнинг ўзлари ва ота-оналари (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) томонидан танланган таълим йўналиши (мутахассислик) бўйича академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқишни давом эттиришлари тўғрисидаги аризалари асосида умумий ўрта таълим мактаблари директорлари томонидан ҳужжатлар йиғма жилди шакллантирилади.

2. Жойларда ўн икки йиллик мажбурий таълим тизимига тўлиқ ўтиш масалаларини ҳал этиш, битирувчилар ва ота-оналар (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар)нинг ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ва меҳнат бозорида талаб этилаётган мутахассисликлар (касблар) тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлишларини таъминлаш ҳамда улар учун барча қулайликлар яратиш мақсадида ҳар бир туман (шаҳар) ҳокимлиги қошида доимий фаолият кўрсатувчи маслаҳат маркази (штаби) ташкил этилади. Ушбу маслаҳат марказларига жойлардаги манфаатдор идора ва жамоат ташкилотлари вакиллари жалб этилади.

3. Умумий ўрта таълим мактаблари директорлари битирувчиларнинг тўлиқ ҳужжатлар йиғма жилдини битирувчи ҳамда ота-оналар (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар)нинг бевосита иштирокида тегишли академик лицей ва касб-хунар коллежлари директорларига топширадилар. Умумий ўрта таълим мактаби ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари директорлари ўртасида топшириш-қабул қилиш далолатномаси тузилади ва тўрт нусхада расмийлаштирилади.

4. Далолатноманинг нусхалари ўрта махсус, касб-хунар таълими ва халқ таълими бошқармаларида, умумий ўрта таълим мактаби, академик лицей ёки касб-хунар коллежлари директорларида сақланади. Ҳужжатлар йиғма жилдини битирувчи ёки унинг ота-онасига бериб юбориш ман этилади.

5. Академик лицей ва касб-хунар коллежларининг ўз ҳудудларидаги битирувчиларни муайян таълим йўналишлари (мутахассисликлар) бўйича қамраб олиш имкониятлари доирасида ўқиш истагини билдирган битирувчилар аризаларига кўра академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари сафига тўғридан-тўғри қамраб олинади.

6. Халқаро, Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар босқичидаги фан олимпиадалари, танлов ва мусобақа голиблари (йўналишларига кўра), аъло даражадаги умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатномага эга бўлган, I ва II-гуруҳ ногиронлари, ота-онасининг қаровисиз қолган ва чин етим битирувчилар таълим муассасаси имкониятлари доирасида имтиёзли равишда қамраб олинади.

7. Академик лицей ва касб-хунар коллежларининг қамраб олиш имкониятидан ортиқ битирувчилар ўқиш истагини билдирган ҳолатлар қуйидагича тартибга солинади:

а) шаходатноманинг ўртача бали бўйича, ушбу баллар тенг бўлиб қолган ҳолларда танлаган академик лицей ва касб-хунар коллежи таълим йўналишлари (мутахассисликлари) бўйича битирувчининг тегишли фанлардан (мазкур банднинг «б» кичик бандида белгиланган фанлардан) олган баллар йиғиндиси бўйича;

б) таълим муассасаларининг таълим йўналишлари (мутахассисликлари) бўйича қуйидаги фанлардан тўплаган баллар йиғиндиси ҳисобга олинади:

академик лицейларнинг — аниқ фанлар, касб-хунар коллежларининг — таъ-

лим, фан ҳамда муҳандислик, ишлов бериш ва қурилиш тармоқлари: математика, физика, она тили ва адабиёт (ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, қорақалпоқ тили ва адабиёти), тарих;

академик лицейларнинг — ижтимоий гуманитар фанлар ҳамда маданият ва санъат, касб-хунар коллежларининг — ижтимоий фанлар, бизнес ва ҳуқуқ ҳамда гуманитар фанлар ва санъат: тарих, она тили ва адабиёт (ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, қорақалпоқ тили ва адабиёти), математика;

академик лицейларнинг — табиий фанлар, касб-хунар коллежларининг — қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот: кимё, биология, она тили ва адабиёт (ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, қорақалпоқ тили ва адабиёти), тарих, математика;

академик лицейларнинг — хорижий филология, касб-хунар коллежларининг — хизматлар: умумий ўрта таълим мактабида ўқиган чет тили, она тили ва адабиёт (ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, қорақалпоқ тили ва адабиёти), математика, тарих.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бадий академияси тасарруфидаги академик лицей ва касб-хунар коллежларининг тегишли таълим йўналишлари (мутахассисликлари) бўйича шу йўналишдаги бошланғич махсус маълумотга эга бўлганлар устунликга эга бўладилар.

8. Имкониятлари чекланган битирувчилар Ўзбекистон Республикасининг ихтисослаштирилган касб-хунар коллежларига таълим олувчи имкониятлари чекланган шахслар учун мутахассисликлар ва касблар рўйхатига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари қошидаги тиббий-психологик-педагогик комиссиянинг ҳулоса ва тавсияси ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаларининг, туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимларининг йўлланмалари асосида қамраб олинади.

9. Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан қуйидаги ҳолларда масалалар кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинади:

а) таълим муассасасига битирувчилар ва уларнинг ота-оналари (ёки уларни ўрнини босувчи шахслар)дан келиб тушган аризалар сони таълим муассасасининг қамраб олиш имкониятларидан ортиқ бўлганда;

б) ўқувчилар турар жойи бўлмаган таълим муассасасига бошқа ҳудудлардан битирувчилар келганда, шунингдек, уларнинг сони таълим муассасасининг ўқувчилар турар жойидаги ўринлар сонидан кўп бўлганда;

в) битирувчиларни академик лицей ва касб-хунар коллежларига қамраб олиш жараёнида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида низоли ҳоллар вужудга келганда.

10. Ушбу Низомнинг 7-бандида келтирилган ҳолатлар бўйича қамраб олинмаган битирувчиларнинг ҳужжатлари, уларнинг ўзлари ва ота-оналари (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар)нинг бевосита иштирокида ҳудудий Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси томонидан қамраб олиш имконияти мавжуд бўлган бошқа ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларига ўтказилади.

Бу борада ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари директорлари томонидан ҳужжатларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси тузилади ва тўрт нусхада расмийлаштирилади. Нусхалари ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳамда халқ таълими ҳудудий бошқармаларига тақдим этилади.

11. Худудий ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳамда халқ таълими бошқармалари бошлиқлари барча маълумотларни умумлаштириб, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказига ёзма ахборот беради.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази битирувчилар академик лицей ва касб-хунар коллежларига қамраб олинганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига ҳисобот беради.

12. Битирувчиларнинг академик лицей ва касб-хунар коллежларига қамраб олиш жараёни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан назорат қилинади.

13. Битирувчиларнинг ҳужжатлари академик лицей ва касб-хунар коллежларига тўлиқ ва ўз вақтида топширилишига умумий ўрта таълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари директорлари шахсан жавобгардир.

II. Битирувчиларни академик лицей ва касб-хунар коллежларига қамраб олишни расмийлаштириш

14. Битирувчиларни академик лицей ва касб-хунар коллежларига қамраб олиш якунига кўра 10 кун муддатда уларни ўқувчилар сафига расмийлаштириш ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари директорлари томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

15. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

III. Битирувчиларни академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқитиш билан қамраб олишни назорат қилиш

16. Мажбурий ўқишни давом эттириш учун битирувчиларга тўсқинлик қилаётган умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг мансабдор шахслари, шунингдек ўқувчиларнинг ота-оналари ёки уларнинг қонуний вакиллари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

IV. Якуний қоидалар

17. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Ўзбекистон Бадий академияси билан келишилган.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг 2008 йил 7 мартдаги мажлиси 1-сон баёни билан маъқулланган.

18. Мазкур Вақтинчалик низом 2010 йил 1 январгача амал қилинади.

*Маданият ва спорт
ишлари вазири*

Р. ҚУРБОНОВ

*Тошкент ш.,
2008 йил 3 март*

Ўзбекистон Бадиий
академияси раиси

Т. ҚЎЗИЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 3 март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

80 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил
5 мартдаги ПФ–3972-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар,
стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш
тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш
тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
26 мартда 1780-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2008 йил 5 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 5 мартдаги ПФ–3972-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 5 мартдаги ПФ–3972-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2007 йил 5 ноябрдаги М-43 ва 99-сонли «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 октябрдаги ПФ–3931-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома»ни тасдиқлаш ҳақидаги (2007 йил 6 ноябрь, рўйхат рақами 1736 — Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 45-сон, 455-модда) қарори 2008 йил 1 апрелдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб ўн кундан кейин кучга киритилсин.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири в.б.

А. ҲАЙТОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 20 март,
7-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

Молия вазири**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2008 йил 20 март,
27-сон

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия
вазирлигининг 2008 йил 20 мартдаги
7, 27-сонли қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил
5 мартдаги ПФ–3972-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар,
стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини
ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни
қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисида
ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 5 мартдаги ПФ–3972-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармонининг 4-бандига биноан пенсия ва ижтимоий нафақаларни қайта ҳисоблаш тартибини белгилайди.

1. Кўрсатиб ўтилган Фармонга мувофиқ 2008 йилнинг 1 апрелидан қуйидагиларнинг энг кам миқдорлари белгиланади:

- а) энг кам иш ҳақи — ойига 20865 сўм;
- б) ёшга доир пенсиялар — ойига 41330 сўм;
- в) болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 41330 сўм;
- г) зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа — ойига 25030 сўм.

2. Пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам иш ҳақининг саккиз бараваридан ортиқ бўлмаган ўртача ойлик иш ҳақи инobatга олинади ($20865 \text{ сўм} \times 8 = 166920 \text{ сўм}$).

3. Пенсия қайта ҳисобланадиган ўртача ойлик иш ҳақини тенглаштириш учун, иловага мувофиқ йиллар бўйича дифференцияланган янги тузатувчи коэффициентлар ўрнатилади.

4. Пензионернинг иш ҳақлари тўғрисида маълумотлар бўлмаган ёки ўртача бир ойлик иш ҳақининг тузатувчи коэффициент қўлланилгандан кейинги янги миқдори белгиланган энг кам иш ҳақи миқдори (20865 сўм)га етмаса, пенсияни қайта ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади:

ёшга доир пенсиялар, I ва II-гурух ногиронлик пенсиялари, шунингдек, чин етимларга боқувчисини йўқотганлик пенсиялари учун таянч миқдорлар ойига 41330 сўм, III-гурух ногиронлик ва боқувчиларидан бирини йўқотган оилаларга боқувчисини йўқотганлик пенсиялари учун оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзоси учун 20665 сўм миқдорида белгиланади;

талаб этиладиганидан ортиқча иш стажини учун пенсиялар миқдорини ошириш янги энг кам иш ҳақидан келиб чиқиб белгиланади (тўлиқ пенсия тайинлашда талаб этиладиганидан ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун ёшга доир ҳамда I ва II-гурух ногиронлик пенсиялари учун 1 фоиз, III-гурух ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари учун 0,5 фоиз).

5. Янги ўртача ойлик иш ҳақининг миқдори 20865 сўмдан 75145 сўм 46 тийингача (III-гуруҳ ногиронлик пенсияси ва боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун 68883 сўм 33 тийингача) бўлган миқдорни ташкил этган ҳолларда пенсияларни қайта ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади:

ёшга доир пенсиялари, I ва II-гуруҳ ногиронлик пенсиялари, шунингдек, чин етимларга боқувчисини йўқотганлик пенсиялари учун пенсиянинг таянч миқдори ойига 41330 сўм миқдорда, III-гуруҳ ногиронлик пенсиялари ва боқувчиларидан бирини йўқотган оилаларга боқувчисини йўқотганлик пенсиялари учун оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзоси учун 20665 сўм миқдорида белгиланади;

талаб этиладиганидан ортиқча иш стажи учун пенсиялар миқдорини ошириш янги ўртача ойлик иш ҳақидан келиб чиқиб белгиланади (тўлиқ пенсия тайинлашда талаб этиладиганидан ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун ёшга доир пенсиялар ҳамда I ва II-гуруҳ ногиронлик пенсиялари учун 1 фоиз, III-гуруҳ ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари учун 0,5 фоиз).

6. Пенсияларнинг бошқа тоифаларининг пенсияларини қайта ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади:

янги ўртача ойлик иш ҳақи миқдори энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг саккиз ҳиссаси билан чегараланади (166920 сўм);

олинган ўртача ойлик иш ҳақи, иш стажига боғлиқ равишда пенсияларни ҳисоблаш учун қабул қилинган фоизларга кўпайтирилади.

7. Барча ҳолларда пенсияларга устама энг кам ойлик иш ҳақидан (20865 сўм) келиб чиқиб аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2008 йил 5 мартдаги ПФ-3972-сонли «Иш
ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимо-
ий нафақалар миқдорини ошириш тўғриси-
да»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта
ҳисоблаш тартиби тўғрисида йўриқномага
ИЛОВА

Пенсияларни қайта ҳисоблашда ўртача ойлик иш ҳақини тенглаштириш учун қўлланиладиган тузатувчи коэффициентлар

Даврлар	Кoeff.	Даврлар	Кoeff.
1971 йил йилга қадар	869,9764	1994 йил 1 мартдан	0,6469
1971 йил	847,8414	1994 йил 1 июндан	0,4319
1972 йил	826,7815	1994 йил 1 июлдан	427,4789
1973 йил	800,3357	1994 йил 1 августдан	350,4346
1974 йил	746,6478	1994 йил сентябрдан	304,6525
1975 йил	730,2634	1994 йил 1 ноябрдан	236,3793
1976 йил	714,5943	1995 йил 1 январдан	236,3793
1977 йил	694,7608	1995 йил 1 мартдан	119,6614
1978 йил	671,4012	1995 йил 1 сентябрдан	92,1371
1979 йил	658,1782	1996 йил 1 январдан	92,1371
1980 йил	641,2898	1996 йил 1 апрелдан	68,4916
1981 йил	629,2158	1996 йил 1 сентябрдан	47,7946
1982 йил	629,1437	1997 йил 1 январдан	47,7946
1983 йил	617,5722	1997 йил 1 июлдан	33,2765
1984 йил	617,5016	1998 йил 1 январдан	33,2765

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

**Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазири****С. ИСМОИЛОВ**

Тошкент ш.,
2008 йил 21 январь,
1/2-сон

Молия вазирлиги ва Қишлоқ ва
сув хўжалиги вазирлигининг
2008 йил 21 январдаги 1, 1/2-сон
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг
соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисида
НИЗОМ**

Ушбу Низом «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги ва «Фермер хўжаликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш ва улар томонидан молиявий ҳисоботларни тақдим этиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи, ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва сотишни, шу жумладан ўз савдо шахобчалари орқали сотишни амалга оширадиган фермер хўжаликларига татбиқ этилади.

2. Фермер хўжаликлари бошқа турдаги фаолиятларни амалга оширганда, ушбу фаолият турлари бўйича бухгалтерия ҳисобини алоҳида, қонунчиликка мувофиқ юритади.

3. Ушбу Низом «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (кейинги ўринларда — БХМС деб юритилади) ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг қоидалари билан биргаликда амал қилади.

II. Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш

4. Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш бўйича жавобгарлик фермер хўжалигининг бошлиғига (кейинги ўринларда — фермер деб юритилади) юклатилади. Бунда фермер қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) бош бухгалтер раҳбарлигидаги бухгалтерия ҳисоби хизматини ташкил этиш ёки шартнома асосида жалб қилинган бухгалтернинг хизматларидан фойдаланиш;

б) бухгалтерия ҳисобини юритишни шартнома асосида ихтисослашган бухгалтерлик фирмасига юклаш;

в) бухгалтерия ҳисобини мустақил юритиш.

5. Бухгалтерия ҳисобини юритишнинг соддалаштирилган тартибини танлаш ҳуқуқи фермер хўжаликларига ихтиёрий равишда тақдим этилади.

III. Бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини юритиш

6. Фермер хўжаликлари, ўз хўжалик фаолиятларининг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, ҳисоб сиёсатини мустақил равишда шакллантиради. Бухгалтерия ҳисоби фермер хўжаликлари томонидан қонунчилик билан белгиланган ягона услубий асослар ва тартибга мувофиқ юритилади.

Бунда фермер хўжалиги қўлланилаётган бухгалтерия ҳисоби регистрларини, қуйидаги талабларга риоя қилган ҳолда, мустақил равишда ўз фаолиятининг хусусиятларига мослаштириши мумкин:

а) ягона услубий асос (икки ёқлама ёзув тамойили);

б) аналитик ва синтетик ҳисоб маълумотларининг ўзаро боғлиқлиги;

в) бошланғич ҳужжатлар асосида барча хўжалик операцияларининг ҳисоб регистрларида ёппасига акс эттириш;

г) бошланғич ҳужжатлар маълумотларини фермер хўжалигини бошқариш, назорат қилиш ва хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш, шунингдек молиявий ҳисоботни тузиш учун зарур бўладиган кўрсаткичлар бўйича жамлаш ва тизимлаш.

7. Фермер хўжаликларида хўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш учун асос бўлиб, операцияларнинг ҳақиқатда амалга оширилганлигини қайд этадиган ва уларни амалга ошириш учун фармойиш берадиган бошланғич ҳисоб ҳужжатлари ҳисобланади.

Фермер хўжаликларида бошланғич ҳисоб ҳужжатлари хўжалик операциялари амалга оширилган пайтда ёки улар содир этилгандан сўнг дарҳол (кечиктирмасдан) тузилади.

8. Фермер хўжаликларида тузиладиган бошланғич ҳужжатларнинг мажбурий реквизитлари, уларни тузиш, қабул қилиш, сақлаш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби, шунингдек ҳужжатлар айланмасини амалга ошириш тартиби «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2003 йил 23 декабрдаги 131-сонли буйруғи билан тасдиқланган Бухгалтерлик ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айлануви тўғрисидаги низомга (2004 йил 14 январь, рўйхат рақами 1297 — «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2004 йил, 1-2-сон, 24-модда) мувофиқ тартибга солинади.

9. Бошланғич ҳужжатлар қонунчиликда белгиланган намунавий шаклларда ёки ушбу Низомнинг талабларига риоя қилган ҳолда фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган бланкаларда тузилади.

10. Фермер хўжалигига келиб тушадиган бошланғич ҳужжатлар албатта текширилиши шарт. Бунда текшириш шакл бўйича (ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши тўлиқлиги ва тўғрилиги, реквизитларнинг тўлдирилиши), мазмун бўйича (ҳужжатлаштирилган операцияларнинг қонунийлиги, алоҳида кўрсаткичларнинг мантикий боғлиқлиги) амалга оширилади.

11. Ҳисобни соддалаштирилган шаклда ташкил этиш учун фермер хўжалиги хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобининг ишчи счётлар Режасини тузади, бу эса маблағлар ва улар манбаларининг ҳисобини асосий счётлар бўйича юритиш имкониятини яратади ва шу билан мулкнинг мавжудлиги ва сақланиши, мажбуриятларнинг бажарилиши ва бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг ишончлилиги устидан назоратни таъминлайди.

Фермер хўжаликлари хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобининг ишчи счётлар Режасини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йил 9 сентябр-

даги 103-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сонли БҲМС) «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома»га (2002 йил 23 октябрь, рўйхат рақами 1181 — Меъерий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 йил, 20-сон) ва ушбу Низомнинг 1-иловасида келтирилган Фермер хўжаликларининг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби намунавий Счётлар режасига мувофиқ тузади. Хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобининг ишчи счётлар Режаси фермер хўжалигининг ҳисоб сиёсатида қонунчиликда белгиланган тартибда акс эттирилиши лозим.

12. Фермер хўжаликлариди бухгалтерия ҳисобининг содалаштирилган шакли қуйидаги шакллар бўйича юритилиши мумкин:

- а) бухгалтерия ҳисобининг оддий шакли;
- б) бухгалтерия ҳисобининг комбинациялашган шакли.

13. Фермер хўжалиги ўзининг ишлаб чиқариш ва бошқарув талабларидан келиб чиққан ҳолда ушбу Низомда келтирилган бухгалтерия ҳисоби шаклини мустақил танлайди.

14. Бухгалтерия ҳисобининг танланган шаклидан қатъий назар, ҳисобот даврининг хўжалик операциялари хронологик тартибда ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ Хўжалик операцияларини қайд этиш Журналида рўйхатга олиб (қайд этиб) борилади.

Хўжалик операцияларини қайд этиш Журнали китоб шаклида юритилади, унда хўжалик операцияларининг қайд этилиши ва ҳисоби ҳисобот даври учун ойлар ёки чорақлар кесимида юритилади. Бунда, Хўжалик операцияларини қайд этиш Журнали тикилган ва рақамланган бўлиши шарт. Хўжалик операцияларини қайд этиш Журналининг сўнгги варағида фермернинг имзоси билан «Мазкур Журналда варақ рақамланган» деб ёзилади ва муҳр билан тасдиқланади. Варақлар сони ёзув билан ёзилади.

IV. Бухгалтерия ҳисобининг оддий шакли

15. Фермер хўжаликлариди бухгалтерия ҳисоби объектларининг аналитик ва синтетик ҳисобини юритиш учун ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ «Хўжалик операцияларини ҳисобга олиш Китоби» регистри қўлланилади. Хўжалик операцияларини ҳисобга олиш Китоби китоб шаклида юритилади, унда операциялар ҳисоби бутун ҳисобот йили давомида юритилади. Бунда, Хўжалик операцияларини ҳисобга олиш Китоби тикилган ва рақамланган бўлиши шарт. Хўжалик операцияларини ҳисобга олиш Китобининг сўнгги варағида фермернинг имзоси билан «Мазкур Китобда варақ рақамланган» деб ёзилади ва муҳр билан тасдиқланади. Варақлар сони ёзув билан ёзилади.

16. Хўжалик операцияларини ҳисобга олиш Китобида хўжалик операциялари натижалари активларни, мажбуриятларни, хусусий капитални, даромадлар, харажатлар, фойда ва зарарларни ҳисобга олувчи счётларда акс эттирилади.

17. Хўжалик операцияларини ҳисобга олиш Китобида ёзувлар тизимли тартибда Хўжалик операцияларини қайд этиш Журналида келтирилган маълумотлар асосида амалга оширилади.

18. Хўжалик операцияларини ҳисобга олиш Китоби комбинациялашган регистр ҳисобланади, унда фермер хўжаликлари томонидан қўлланиладиган барча счётлар мавжуд бўлади ва уларнинг ҳар бирида хўжалик операциялари ҳисобини юритиш имкониятини яратади. Бунда, баланснинг тегишли моддаларининг мазмунини асос-

лаб бериш учун у етарли даражада батафсил бўлиши лозим. Хўжалик операцияларини ҳисобга олиш Китобида ҳар бир қўлланилаётган бухгалтерия счёти учун аниқ бухгалтерия счётлари бўйича ўтган йилларнинг тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, хўжалик операцияларининг кутилаётган ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, маълум бетлар ажратилади.

19. Хўжалик операцияларини ҳисобга олиш Китоби «20__ йил «___»_____ даги қолдиқ» қаторида активларнинг, мажбуриятларнинг ва хусусий капиталнинг ҳар бир тури бўйича ҳисобот даврининг бошида мавжуд бўлган қолдиқ суммаси ёзуви билан очилади. Актив счётларнинг қолдиғи ушбу счётларнинг дебетида, пассив счётлар бўйича қолдиқ эса ушбу счётлар кредитида ёзилади.

20. Ҳар бир қаторда тегишли бухгалтерия счёти бўйича ёзувлар хўжалик операцияларини қайд этиш Журналида келтирилган бухгалтерия ёзувлари (проводкалари) маълумотлари асосида позиция усулида хронологик кетма-кетликда амалга оширилади.

21. Ҳар бир ойнинг (чоракнинг) охирида хўжалик операцияларини ҳисобга олиш Китобида яқун чиқарилади ва унга асосан фермер хўжалиғи фаолиятининг натижаси аниқланади.

Хўжалик операцияларини ҳисобга олиш Китобида юритилган активлар, мажбуриятлар ва хусусий капитални ҳисобга олувчи счётларнинг қолдиқлари 1-сонли шакл — бухгалтерия балансига ўтказилади.

Хўжалик операцияларини ҳисобга олиш Китобида юритилган даромадлар ва харажатларни ҳисобга олувчи счётларнинг ҳисобот давридаги айланмаси 2-сонли шакл — молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга ўтказилади.

В. Бухгалтерия ҳисобининг комбинациялашган шакли

22. Комбинациялашган шаклга асосланган бухгалтерия ҳисоби бир неча ҳисоб регистрларини (ҳисоб қайдномаларини) қўллаш орқали амалга оширилади. Ҳисоб қайдномаларида ёзувлар хўжалик операцияларини қайд этиш Журналида ва бошланғич ҳисоб ҳужжатларида келтирилган маълумотлар асосида амалга оширилади.

23. Бухгалтерия ҳисобининг комбинациялашган шаклини юритишда бухгалтерия ҳисобининг қуйидаги ҳисоб қайдномаларидан фойдаланилади:

а) асосий воситалар ва номоддий активларни ҳисобга олиш қайдномаси — ушбу Низомнинг 4-иловасига мувофиқ;

б) молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш қайдномаси — ушбу Низомнинг 5-иловасига мувофиқ;

в) капитал қўйилмаларни ҳисобга олиш қайдномаси — ушбу Низомнинг 6-иловасига мувофиқ;

г) товар-моддий захираларни ҳисобга олиш қайдномаси — ушбу Низомнинг 7-иловасига мувофиқ;

д) боқувдаги ва ўстиришдаги ҳайвонларни ҳисобга олиш қайдномаси — ушбу Низомнинг 8-иловасига мувофиқ;

е) харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қайдномаси — ушбу Низомнинг 9-иловасига мувофиқ;

ж) бошқа дебиторлик қарзларини ҳисобга олиш қайдномаси — ушбу Низомнинг 10-иловасига мувофиқ;

з) пул маблағларини ҳисобга олиш қайдномаси — ушбу Низомнинг 11-иловасига мувофиқ;

и) мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қайдномаси — ушбу Низомнинг 12-иловасига мувофиқ;

к) ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қайдномаси — ушбу Низомнинг 13-иловасига мувофиқ;

л) меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қайдномаси — ушбу Низомнинг 14-иловасига мувофиқ;

м) бошқа мажбуриятларни ҳисобга олиш қайдномаси — ушбу Низомнинг 15-иловасига мувофиқ;

н) хусусий капитални ҳисобга олиш қайдномаси — ушбу Низомнинг 16-иловасига мувофиқ;

о) ҳисобот даври харажат (сарф)ларини ҳисобга олиш қайдномаси — ушбу Низомнинг 17-иловасига мувофиқ;

п) деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқишини ҳисобга олиш қайдномаси — ушбу Низомнинг 18-иловасига мувофиқ;

р) чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқишини ҳисобга олиш қайдномаси — ушбу Низомнинг 19-иловасига мувофиқ;

с) ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари ва хизматларини ҳисобга олиш қайдномаси — ушбу Низомнинг 20-иловасига мувофиқ;

т) соф фойда (зарар)ни ҳисоблаш қайдномаси — ушбу Низомнинг 21-иловасига мувофиқ;

у) хўжалик операцияларини ҳисобга олиш Жамланма қайдномаси — ушбу Низомнинг 22-иловасига мувофиқ.

24. Ҳар бир қайднома бир ёки бир неча фойдаланилаётган бухгалтерия счётлари бўйича операциялар ҳисоби учун қўлланилади.

Ҳар бир хўжалик операциясининг суммаси бир вақтнинг ўзида иккита қайдномага ёзилади: биринчисида — счётнинг дебети бўйича кредитланадиган счётнинг рақамини кўрсатган ҳолда («Корреспонденцияланувчи счёт» устунисида), иккинчисида эса — корреспонденциянадиган счётнинг кредити бўйича ва худди шундай дебетланадиган счётнинг рақамини кўрсатган ҳолда ёзилади. Иккала қайдномаларда ҳам тегишли устунлар бўйича ёзувлар хўжалик операцияларини қайд этиш Журналида ва бошланғич ҳужжатларда келтирилган маълумотлар асосида содир бўлган операцияларнинг мазмуни асосида амалга оширилади.

Қолдиқлар тўғрисидаги маълумотларга эга бўлган қайдномаларда, ҳисобот даврининг бошидаги бухгалтерия ёзувлари, тегишли счётлар бўйича ўтган даврнинг охиридаги қолдиқларни ўтказиш йўли билан бошланади.

Алоҳида қайдномалардаги активлар, мажбуриятлар ва хусусий капитални ҳисобга олувчи счётларнинг қолдиқлари, ёзувларни амалга оширишга асос бўлган тегишли бирламчи ҳужжатлар (касса ҳисоботлари, банк кўчирмалари ва бошқалар) маълумотлари билан солиштирилиши шарт.

25. Асосий воситалар ва номоддий активларни ҳисобга олиш қайдномаси: асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар (0100) бўйича ва узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар (0300) бўйича асосий воситаларнинг, номоддий активларни ҳисобга олувчи счётлар (0400) бўйича номоддий активларнинг, асосий воситалар эскиришини ҳисобга олувчи счётлар (0200) бўйича эскиришининг ва номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи счётлар (0500) бўйича амортизациянинг мавжудлиги ва ҳаракатланишининг аналитик ва синтетик ҳисоби регистри бўлиб ҳисобланади.

Қайдномада асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича маълумотлар позициялар усул билан ҳар бир объект бўйича алоҳида ёзиб борилади.

Агар асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича ҳаракатланиш мавжуд

бўлса, ҳар ойда уларнинг айланма суммалари ҳисобланади ва ҳисобот ойдан кейинги 1-санага қолдиқ чиқарилади.

Асосий воситалар бўйича, шу жумладан лизинг шартномаси асосида олинганлари бўйича ҳам эскириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2003 йил 9 октябрдаги 114-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (5-сонли БХМС) «Асосий воситалар»-га (2004 йил 20 январь, рўйхат рақами 1299 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 3-сон, 35-модда) мувофиқ ҳисобланади.

Номоддий активлар бўйича амортизация танланган услуга биноан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2005 йил 25 мартдаги 35-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (7-сонли БХМС) «Номоддий активлар»га (2005 йил 27 июнь, рўйхат рақами 1485 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 25-26-сон, 188-модда) мувофиқ ҳисобланади.

Актив қисми бўйича ҳисобланган эскириш (амортизация) суммаларини ва барча асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича жамғарилган эскиришни назорат қилиш учун қайдномада эскиришни (амортизацияни) ўсиб боровчи тартибда ҳисобга олувчи тегишли устунлар кўзда тутилган.

26. Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш қайдномаси узоқ муддатли молиявий инвестицияларни ҳисобга олувчи счётларда (0600) ва қисқа муддатли молиявий инвестицияларни ҳисобга олувчи счётларда (5800) ҳисобга олинадиган молиявий инвестициялар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

27. Капитал қўйилмаларни ҳисобга олиш қайдномаси капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётларда (0800) ҳисобга олинадиган фермер хўжалиklarининг асосий воситалар ва номоддий активларга қўйилган инвестициялари, шунингдек маҳсулдор ва ишчи ҳайвонлар асосий подасини шакллантириш бўйича харажатлари тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

28. Товар-моддий захираларни ҳисобга олиш қайдномаси материалларни ҳисобга олувчи счётларда (1000) ва тайёр маҳсулотларни ҳисобга олувчи счётларда (2800) акс эттириладиган товар-моддий захираларнинг аналитик ва синтетик ҳисоби учун мўлжалланган.

Қайднома бир ой (чорак) учун очилади ва моддий жавобгар шахслар бўйича барча турдаги қимматликлар кесимида уларнинг у ёки бу тури бўйича ҳисобот давридаги ҳаракатланиш бўлган ёки бўлмаганлигидан қатъий назар алоҳида юритилади.

29. Боқувдаги ва ўстиришдаги ҳайвонларни ҳисобга олиш қайдномаси ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олувчи счётларда (1100) ҳисобга олинадиган фермер хўжалигига тегишли ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг мавжудлиги ва ҳаракатланишини ҳайвонларнинг гуруҳлари бўйича (ёш ҳайвонлар, катта ёшдаги ҳайвонлар, боқувдаги, яйловдаги ҳайвонлар; паррандалар; ёввойи ҳайвонлар; қуёнлар; асалари оиласи; катта ёшдаги чорва моллари, сотиш учун асосий подадан чиқарилган, аҳолидан сотиш учун қабул қилинган чорва моллари ва бошқалар) аналитик ҳисоб учун мўлжалланган. Бунда, ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг миқдорий ва суммавий кўрсаткичларининг камайиши тўғрисидаги маълумот ҳайвонлар гуруҳлари бўйича «Хўжалик операцияси мазмуни» устунининг тегишли қаторида «минус» белгиси билан кўрсатилади.

30. Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қайдномаси олинадиган счётларни ҳисобга олувчи счётларда (4000) ҳисобга олинадиган харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китобларнинг ҳисоби учун қўлланилади.

Қайдномада 4010 счётнинг дебети бўйича позицияли усулда, харидор ва буюрт-

мачиларнинг сотилган товар-моддий захиралари ва бошқа активлар учун дебиторлик қарзлари ёзиб борилади. 4010 счётнинг кредитида якуний ҳисоб-китоблар бўйича операциялар (шу жумладан, харидор ва буюртмачилардан олинган авансларни ҳисобга киритиш) пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг кредити билан корреспонденцияланган ҳолда акс эттирилади.

31. Бошқа дебиторлик қарзларини ҳисобга олиш қайдномаси, фермер хўжалигининг маҳсулотлар ва бошқа активларни сотиш билан боғлиқ бўлмаган хўжалик операциялари натижасида юзага келадиган дебиторлик қарзларининг аналитик ва синтетик ҳисоби учун мўлжалланган. Ушбу қайднома, узоқ муддатли дебитор қарзлари ва кечиктирилган харажатларни ҳисобга олувчи счётлар (0900), 4210 «Меҳнат ҳақи бўйича берилган бўнақлар» счёти, мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақларни ҳисобга олувчи счётлар (4300), бюджетга бўнақ тўловларини ҳисобга олувчи счётлар (4400), мақсадли давлат жамғармаларига ва суғурталар бўйича бўнақ тўловларини ҳисобга олувчи счётлар (4500), ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзини ҳисобга олувчи счётлар (4700) ва турли дебиторлар қарзларини ҳисобга олувчи счётларда (4800) ҳисобга олинадиган бошқа дебитор қарздорликнинг ҳар бир тури учун алоҳида очилади.

32. Пул маблағларини ҳисобга олиш қайдномаси, фермер хўжаликлари томонидан кассадаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5000), ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларини (5100), чет эл валютасидаги пул маблағларини (5200), банкдаги махсус счётлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларда (5500) ҳисобга олинадиган пул маблағларининг ҳисоби учун қўлланилади.

Пул маблағларини қабул қилиш ва топшириш, кирим ва чиқим ҳужжатларини расмийлаштириш, касса китобини юритиш, касса операциялари тўғрисидаги ҳисоботни тузиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1998 йил 24 январда 376-сон билан тасдиқланган, Юридик шахслар томонидан касса операцияларини юритиш қоидалари (рўйхат рақами 565, 1998 йил 17 декабр) билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Пул маблағларини ҳисобга олиш қайдномасида ҳисоб-китоб счёти ва банкдаги бошқа счётлар бўйича операциялар ёзувлари банк кўчирмалари ва унга илова қилинган ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Ҳисоб-китоб счёти бўйича операцияларни амалга ошириш ва расмийлаштириш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

33. Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қайдномаси, мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётларда (6000) ҳисобга олинадиган мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш учун қўлланилади.

Қайдномада 6010 счётнинг кредити бўйича позицияли усул билан олинган моддий қимматликлар учун мол етказиб берувчиларнинг счётлари, шунингдек пудратчиларнинг бажарилган ишлар ва хизматлари учун счётлари ёзилади. 6010 счётнинг дебитида мол етказиб берувчилар ва пудратчиларнинг счётлари бўйича якуний тўлов операциялари, пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар кредити билан корреспонденциялашган ҳолда акс эттирилади.

34. Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қайдномаси ҳисобнинг комбинациялашган регистри ҳисобланади, унда 4220 «Хизмат сафарларига берилган бўнақлар» счёти, 4230 «Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнақлар» счёти ва 6970 «Ҳисобдор шахсларга қарздорлик» счётлари бўйича ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китобларнинг аналитик ва синтетик ҳисоби бирлаштирилган.

35. Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қайдномаси,

меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишларни ҳисобга олувчи счётларда (6700) ҳисобга олинadиган меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби учун мўлжалланган.

Қайдноманинг «6710 — счёти кредитидан қуйидаги счётлар дебетига» бўлимида фермер хўжалигининг ишчиларига бажарилган ишлар учун қонунчиликка мувофиқ ҳисобланган меҳнат ҳақи суммалари акс эттирилади.

Қайдноманинг «6710 — счёти дебетидан қуйидаги счётлар кредитига (ушлаб қолинган)» бўлимида ишчиларнинг меҳнат ҳақидан қонунчиликка мувофиқ барча ушланмаларнинг (жисмоний шахсларнинг даромадларидан солиқ, берилган бўнақлар суммаси, ҳисобдор шахслар томонидан ўз вақтида қайтарилмаган суммалар, турли корхоналар ва шахслар фойдасига ижро варақалари бўйича суммалар ва бошқалар) суммаси акс эттирилади. «Тўланади» устунида ишчиларга тўланиши лозим бўлган сумма акс эттирилади.

Қайднома тўлов ҳужжати ҳам ҳисобланади ва фермер хўжалиги ишчиларига меҳнат ҳақини тўлаш учун мўлжалланган.

Фермер хўжалиги ходимларига тўланиши лозим бўлган меҳнат ҳақи ўз вақтида тўланмаган ҳолатда, ушбу қайдноманинг «Тўланади» устунида «Депонентланган» деб ёзилади ва кўрсатилган сумма ҳар бир ходим бўйича (позицияли усулдаги ёзув билан) кейинги ойнинг қайдномасида «20__ й _____даги қолдиқ (ходим олдидаги қарздорлик)» устунига ўтказилади.

36. Бошқа мажбуриятларни ҳисобга олиш қайдномаси, фермер хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ бўлмаган хўжалик операциялари натижасида юзага келадиган бошқа мажбуриятларнинг аналитик ва синтетик ҳисоби учун мўлжалланган. Ушбу қайднома, кечиктирилган мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётларда (6200), олинган бўнақларни ҳисобга олувчи счётларда (6300), бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётларда (6400), суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи счётларда (6500), қисқа муддатли кредитлар ва қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6800) ва 6970 «Ҳисобдор шахсларга бўлган қарз» счётидан ташқари турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётларда (6900) ҳисобга олинadиган бошқа мажбуриятларнинг ҳар бир тури бўйича кредиторлар кесимида алоҳида очилади.

37. Хусусий капитални ҳисобга олиш қайдномаси, ҳисобот даври учун фермер хўжалиги хусусий капиталининг ҳолати ва ҳаракатланиши ҳақидаги маълумотни уни шакллантириш манбалари бўйича акс эттириш учун мўлжалланган. Ушбу қайднома фермер хўжаликлари томонидан устав капиталини (8300), резерв капиталини (8500), тақсимланмаган фойдани (қопланмаган зарарни) (8700) ва мақсадли тушумларни (8800) ҳисобга олувчи счётларда ҳисоби юритиладиган хусусий капиталининг аналитик ва синтетик ҳисобини юритиш учун қўлланилади.

38. Ҳисобот даври харажат (сарф)ларини ҳисобга олиш қайдномаси, ҳисобот даври харажатларини (сарфини) ишлаб чиқариладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннархига олиб бориладиган ишлаб чиқариш харажатлари ва ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлмаган, давр харажатлари бўйича умумлаштириш учун қўлланилади. Ушбу регистрда ҳисобот даврининг харажатлари (сарфлари) ҳақидаги маълумот 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти, 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти ва давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар (9400) айланмасидан келиб чиққан ҳолда акс эттирилади.

2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти, 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти ва давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар (9400) дебетидаги харажатлар тур-

ли счётларнинг кредитларидан бошқа қайдномалардаги маълумотлар ва бевосита алоҳида бирламчи ҳужжатлардаги маълумотлардан йиғилади.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш маҳсулотларига (ишлар, хизматларга) сарфланган харажатлар аниқланиши билан уларнинг ҳақиқий таннархи аниқланади ва улар 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти ва 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счётларининг кредитидан маҳсулотлардан (ишлар, хизматлардан) фойдаланиш йўналишларига қараб тегишли счётларнинг дебетига ҳисобдан чиқарилади — омборга (2810 «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счёти), реализацияга (9110 «Реализация қилинган тайёр маҳсулотлар таннархи» счёти), ҳисобот даврининг якунида эса давр харажатларини ҳисобга олувчи счётларнинг (9400) айланмаси суммаси 9910 «Яқуний молиявий натижа» счётига ёпилади.

39. Деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқишини ҳисобга олиш қайдномаси моддалар бўйича йил бошидан бошлаб ўсиб бориш тартибда харажатларнинг, шунингдек маҳсулот чиқишининг аналитик ҳисоби учун мўлжалланган.

40. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқишини ҳисобга олиш қайдномаси моддалар бўйича йил бошидан бошлаб ўсиб бориш тартибда харажатларнинг, шунингдек чорвачилик маҳсулотлари чиқишининг аналитик ҳисоби учун мўлжалланган.

41. Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари ва хизматларини ҳисобга олиш қайдномаси ёрдамчи ишлаб чиқариш ва кўрсатиладиган хизматлар (бажариладиган ишлар) харажатлари турлари бўйича аналитик ҳисобни юритишга мўлжалланган. Харажатлар 2310 счётнинг дебетига харажатлар моддалари бўйича кредитланадиган счётларни кўрсатган ҳолда акс эттирилади. Хизматлар 2310 счётининг кредитидан ҳисобот даври давомида режали таннарх бўйича кўрсатилган хизматларни ҳисобот даври якунида ҳақиқий таннарх даражасигача тузатиб берилган ҳолда ҳисобдан чиқарилади.

42. Соф фойда (зарар)ни ҳисоблаш қайдномаси фермер хўжалиklarининг ҳисобот даврида соф фойдани (соф зарарни) ҳисоблаб чиқиш учун олинган даромадлар ва сарфланган харажатлар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

43. Фермер хўжалигининг ҳисобот даври қайдномаларида (деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқишини ҳисобга олиш қайдномаси, чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқишини ҳисобга олиш қайдномаси, ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари ва хизматларини ҳисобга олиш қайдномаларидан ташқари) акс эттирилган молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини умумлаштириш, хўжалик операцияларини ҳисобга олиш Жамланма қайдномасида амалга оширилади.

Ҳисобот даврининг якунида ҳар бир счётнинг дебет ва кредити бўйича айланмаси ҳисобланади ва ҳисобот даврининг охирига (кейинги ҳисобот даврининг бошига) қолдиқ чиқарилади.

Хўжалик операцияларини ҳисобга олиш Жамланма қайдномаси синтетик ҳисоб регистри саналади, унинг асосида ҳисобот даврининг охирида маблағларнинг ва улар манбаларининг мавжудлигини аниқлаш ва молиявий ҳисоботни тузиш мумкин.

Хўжалик операцияларини ҳисобга олиш Жамланма қайдномаси ҳисобот даври учун очилади ва унда ҳисобот давридаги операциялар ҳисоби умумлаштирилади. Хўжалик операцияларини ҳисобга олиш Жамланма қайдномасининг сўнгги варағи фермер ёки қонунчиликда белгиланган тартибда у томонидан белгиланган шахс томонидан имзоланади.

Хўжалик операцияларини ҳисобга олиш Жамланма қайдномасининг «Счётнинг

рақами ва номи» устунида бухгалтерия ҳисобини юритишда қўлланилган барча счётлар келтирилади ва «20__ й. «__» _____ даги қолдиқ» устунига маблағлар турлари ва уларнинг манбалари бўйича ҳисобот даври бошидаги мавжуд қолдиқ суммалари ўтказилади. Актив счётларнинг қолдиқлари ушбу устуннинг «дебет» қисмида, пассив счётлар бўйича эса — «кредит» қисмида ёзилади. Шундан сўнг, «20__ йил _____ учун жами айланма» устунида шу ҳисобот давридаги ушбу счётлар айланмаларининг жамиси ёзилади. «20__ й. «__» _____ даги қолдиқ» устунида активларни, мажбуриятларни ва хусусий капитални ҳисобга олувчи счётларнинг ҳар бири бўйича ҳисобот даврининг якунидаги мавжуд қолдиқ суммалари аниқланади. «Қайднома номи» устунида эса келтирилган счётда ҳисоб объекти юритиладиган қайдноманинг номи кўрсатилади.

Хўжалик операцияларини ҳисобга олиш Жамланма қайдномасида келтирилган активларни, мажбуриятларни ва хусусий капитални ҳисобга олувчи счётларнинг қолдиқлари 1-сонли шакл — бухгалтерия балансига ўтказилади.

Хўжалик операцияларини ҳисобга олиш Жамланма қайдномасида келтирилган ҳисобот давридаги даромадлар ва харажатларни ҳисобга олувчи счётларнинг айланмаси 2-сонли шакл — молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга ўтказилади.

VI. Фермер хўжаликлари молиявий ҳисоботи

44. Фермер хўжаликлари 1-сонли шакл — бухгалтерия баланси, 2-сонли шакл — молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот ва 2а-сонли шакл — дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумотномалардан иборат бўлган, фақат йиллик молиявий ҳисоботни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 февралидан кечиктирмасдан тақдим қилади.

